

ЧАРХИЙ

**БЕШИГИНГДА
ЁТМАЙМАН**

Ҳажвий, юмористик шеърлар

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1975**

11. 1975

Бешингинда етмаиман. ҳажвни, юмористик шеърлар
биёт ва санъат нашриёти, 1975.
144 б.

Отахон шоир Чархийнинг нафис ғазалиёти муҳтарам ўқувчига кўпдан маълум
ва маълум. Мазкур тўпламга шоирнинг энг ўткир ҳажвий ва юмористик асарлари
киритилди.

Чархи. Не лягу в бешик. Юмористические стихи

Ўз 2

Ч 70403—126 54—75
352 (06) —75



Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.
1975

АСҚАРАЛИ ЧАРХИЙ

Номинг, Муқимий, барҳаёт,
Ёзганларинг ёзди қанот,
Қўрсатди даврон илтифот,
Илм иҳли аввал хор эди.
Зулм авж олган у маҳал,
Фазл аҳли беқадр, камбағал,
Хор эди шоир ҳам ғазал,
Сенга кенг олам тор эди.

Ҳа, бу — Муқимийга мактуб Унинг авлодлари, шогирдлари номидан шоир Чархий қўли билан битилган мактуб.

Инсоннинг табиати ўзи шундоқ бўлади. Бирор бир йирик мақсадга етишган он шу ишни орзу қилган аждодларимизни ёдга оламиз. Шоир Чархий ҳам фаровон социалистик ҳаётимизнинг гўзал ликларини куйлар экан, Муқимийнинг машҳур «Саёҳатнома»сини ёдга олади. Ўша вазн, ўша радиф, ўша услубда ҳикоя бошлайди:

Мен сен каби қилдим сафар,
Обод, туташ қишлоқ, шаҳар,
Инсон азизу мўътабар,
Не истасанг, у бор экан...
Миянг офарин бу давр учун,
Эл шоду мамнун, дил бутун,
Шоиру олимга бу кун,
Халқ ҳурмати бисёр экан.

Шоирга «Халқ ҳурмати бисёр»лигининг кўп сабаблари бор. Чунки у ярим асрдан ортиқ ўз ширин каломи билан она халқи хизматида бел боғлаб турибди. Шу даврда Чархий улуғ устозлар Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Муқимий, Фурқат, Завқийларга эргашди, уларнинг шеърларига назира қилди, ғазалларига мухаммас бослади. Унинг ўқувчилар дилига лаззат берувчи ўнлаб ишқий шеърлари Октябрь инқилобининг биринчи йиллариданоқ эл оғзига тушди ва шуҳрат топди. Шу кунгача ҳам Чархийнинг назик образли мисраларини эл ҳузур қилиб тингламоқда. Шулардан бирини сизга эслатиб ўтмоқчимиз:

Тонг чоғи сарви нозим аста қиёлаб ўтди.
Тушгач кўзи кўзимга таъзим бажолаб ўтди...

Сунбулни бўйи тарқаб олам муаттар ўлди,
Сочи магар чамандин гулни аролаб ўтди...

Бир зумда куздан учди, гўё фалакши қучди,
Ё гул уни яширди, ёки ҳаволаб ўтди.

Икки оламда Чархий сарвини афсона деб
Тозик табассумида ишқим баҳонаб ўтди.

Кекса шоиримизнинг ҳаёли уфқи ҳаят кенг. У гоҳ муҳаббатин улуғлайди, гоҳ она-Ватан шаънига шарафлар айтади, гоҳ устозларни Фурқат ва Ҳамзаларга таҳсин ўқийди, гоҳ Махмур ва Муқимийларнинг «Ҳапалаги»ги бугунги Ҳапалак қишлоғини таққос қиладди. Гоҳ одил замондан миннатдорлик туйғулари билан қалби жўш уради, гоҳ ҳаётда учраб қоладиган эскилик сарқитларидан таъби ранжийди. Сўнгги ҳолларда Чархий «Муштум»нинг фаол мухбири бўлиб кетади.

Умуман, унинг ижоди жанр эътибори билан икки турда: лирика ва сатирадан ташкил топган. Шоирнинг китобларидан бири «Ширин ва аччиқ» деб аталиши ҳам бежиз эмас. «Шеърят кутубхонаси»га кирган мажмуаси ҳам мазмунан шундай. У қисқача таржимаи ҳол билан бошланади, сўнг лирик шеърлар, иккинчи қисмда эса ҳажвиялар берилган.

Чархий сатираси замонавий мавзуда яратилган. 1918 йилда ёзилган эшонлар ҳажвидан бошлаб, шоирнинг ҳозирги шеърларига-

ча ҳаммаси халқимизнинг дилидаги гаплар. Халқ мулкига ёмон кўз билан қараган ранс, шаҳар ободончилигига эътибор қилмаган раҳбар, камтарликни унутган инсон, ичкиликка берилган бадбахт. қисқаси, Чархийнинг сатирик қаҳрамонлари ҳаммаси ўзимиз билган одамлар. Аммо шоир уларни шундай бир алфозда тасвирлайдики шундай аччиқ ва таъсирли гаплар топадики, адиб талантига таҳсин ўқийсиз. Чархийнинг сатирик шеърлари мавзуси муҳим, танқиди тўғрилигидан ташқари, доимо киноявий ва кулгили. Мана, сифатсиз ишланган шкафнинг тасвири:

Орзулаб олган эдим, афсус, чатоқ чиқдинг шкаф,
Олган айбим сезмагай деб ё ямоқ чиқдинг шкаф.

Бир эшигинг беркилур бўлса, бири беркилмагай,
Бу аламнинг устига беҳад қулоқ чиқдинг шкаф.

Ойнагинг атрофидан оққан клейдан доғман,
Боққан инсонга ажойиб тумтароқ чиқдинг шкаф...

Халқ ранжиб қарғайдан сир кўчиб, рангинг хунук,
Шошилиб ёки мудирдан бесўроқ чиқдинг шкаф.

Биз-ку куйдик, бошқалар доғинг кўриб ҳеч куймасин,
Бизга ибрат, ўзгаларга сен сабоқ чиқдинг шкаф.

Чархий (Асқарали Ҳамроалнез) ўзбек классик адабиёти, айниқса, энг яқин устози Муқимий традицияларини янгича шароитда давом эттираётган ўзбек шоирларидан бири. У том маънода Муқимийнинг шогирди. «Ота касбим тўқувчи бўлганлиги туфайли мен,— деб ёзади шоир таржимаи ҳолида,— ўзимга Чархий таҳаллусини лозим топган эдим... Ижодда Фузулий, Фурқат, Муқимийларга эргашдим. Завқий билан танишишга мўяссар бўлдим... Мен шоир деган номни жуда улуғ санар эдим...»

Мен кўп йиллардан бери Қўқондаги Муқимий музейида илмий ходим бўлиб ишлаб келаман. Муқимийнинг адабий меросини тиклашда, уни авайлаб сақлашда, эълон қилинмаган бир қанча ғазалларини халққа тақдим қилишда қўлимдан келганча хизмат қилдим ва ҳозир ҳам ана шу ишни давом эттирмоқдаман».

Нима бўлса ҳам шеърларидан бирида:

Чарх уриб жаҳон кездим,
Дилга билганим тиздим.
Яхшиларга эргашдим,
Топмадим зиён, дерман,—

дея куйлаган шоир минг марта ҳақ.

Чархий Ҳабибий, Собир Абдулла каби кекса авлод адиблари қаторида ўз ижоди билан адабиётимиздаги бир муҳим проблемани ҳая қилишга материал беради. Бу аруз вазнига муносабат масала-сидир.

Асрлар давомида назмимизнинг етакчи вазни бўлиб келган аруз совет даврига келиб раҳнамоликни бармоқ вазнига бўшатиб берди. Бу тўғри ва қонуний ҳодисадир.

Шундан буён арузнинг тақдири қақида олимлар орасида турли хил фикрлар айтилган. Баъзилар арузнинг қадрини ғоят ошириб юборган ҳоллари ҳам бўлган, баъзилар эса буни тамомила инкор этганларини ҳам эшитганимиз.

Ўзбек совет адабиётининг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Салпилдин Айниш, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдулла Авлоний, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ўйғун каби устоз адибларидан тортиб, то Эркин Воҳидовгача кўпчилик ўз ижодида бу вазни ҳам ишлатгани арузнинг ҳаёт ҳақини ҳимоя қилади. Ҳозирги замон тожик,

латилиб турибди. Музикага солинган ва қўшиққа айланган ғазаллар вазнининг ҳам умрини чўзмоқда.

Чархий каби таланти арузгўйларнинг ижодий мисоли шундан далолат берадики, арузнинг хилма-хил баҳрлар хазинасидан енгилларини, ўйноқларини топиб ишлатиб, бу вазни ҳам ижодимиз хизматига қўйиш мумкин экан. Унда ҳам яхши фикрларни тушунарли ва таъсирли ифода этиш мумкин экан.

Чунончи, Чархийнинг қуйидаги ҳажвий мисралари фикримизнинг исботи бўла олади:

Пул деб оқар дарёлар, пул ўлсин-а, пул ўлсин,
Оғдар-тўнтар дунёлар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.
Қўп кетмасдан узоққа, тез тушдилар тузоққа,
Манман деган лайлолар, пул ўлсин-а, пул ўлсин...

Чархий ижоди ҳозирги замон ўзбек совет поэзиясининг услуб-

лари хилма-хиллигини ёрқин намоиш этиб туради. Бу ҳодиса адабиётнинг камолотидан пишонадир. Бу камолотда етмиш беш ёшли оқсоқол шоир Асқарали Чархийнинг ҳам маълум улуши бор.

Зероки, унинг ярим асрдан мўлроқ ижоди бошдан оёқ озод, фаровон совет ҳаётини улуғлаш, тараққиётимизга ров бўлиб турган эскилик сарқитларини аёвсиз қамчилашдан мазмун топди. Фикри-мизининг далилини Чархий «Девон»идан ёки «Алихўжа—Хўжаали» сарлавҳаси билан «Муштум» кутубхонасида нашр қилинган тўпламидан кўплаб топиш мумкин.

Чархийнинг муҳаббат лирикаси ҳиссиётнинг поклиги билан ўқувчиларга манзурдир. «Сабо арзим..», «Сен кетдинг, эй ннгорим» каби қатор шеърлари борки, улардан кўпига композитор Мухтор Муртазоев куй басталаган ва улар машҳур қўшиқлардан бўлиб қолган.

Чархий классик адабиёт анъаналарини чуқур эгаллаган. Шу анъаналарнинг бир қисми истиорали мазмундор образлар топабилишдир. Чунончи, дўстларини соғинган кишининг кайфиятини шоир бундай тасвирлайди:

Кутиб сизларни уйда қоврилиб, гўшт-ёғлар қолди,
Такаллуфлар ҳувиллаб супрада ўқлоғлар қолди...

Ёзилганча шикоят айлабон сизларни дастурхон.
Оғиз очганча писта, ғулдираб ёнғоқлар қолди...

Муқимий декчасида меҳр ила ош дамлайин десам,
Қозондан ёғ сачраб, кўксим узра доғлар қолди...

Шоир кулгили ваъзятлар яратабилиш, комик тасвир воситалари билан ҳам Муқимийга яқин туради. Унинг муҳаббат лирикасида ҳам Муқимий таъсири кучли. Чархий 1900 йил баҳорида Қўқонда туғилганда, ундан бир маҳалла нарида Муқимий яшарди. Муқимийнинг Акбарали деган ўғли бўлган. Муқимий ижодининг давомчиси, ундан ижод эстафетасини қабул қилиб олиб, янгича шароитларда давом эттирган Чархийни Муқимийнинг ижоддаги меросхўри, маънавий фарзанди дегим келади. Шу маънода рамз билан Асқарали ҳам Муқимий авлодидан дейиш мумкин.

Шоир Чархий ижоди ўзбек классик адабиётини замонамиз билан боғлаган кўприк бўлиб туюлмоқда менга.

Классиклар мангу. Уларга қўл берган шогирдларнинг ҳам умри узоқ бўлсин, деймиз биз севимли шоиримиз Чархийни 75 ёш билан табриклаётимиз.

1975.

Профессор ЛАЗИЗ ҚАЙУМОВ.

ДЕМАСИН!

(Ўғил-қизларга муурожаат)

Жон ўғил, қизлариму, шоввозим,
Қадамингизга гул поёндозим,
Сиз биландир фалакда парвозим,
Сиз менинг шеърларимда пардозим,
Сиз учун ёзилур кўпу, озим,
Фурсатида шуни демак лозим:
«Қимнинг ўғли? Эсиз-эсиз!..» демасин.

Гарчи ёшлик, оловга бўлма мисол,
Яхшн сўзлаш кишига бахт-иқбол,
Шу керакдир, топишда қадру камол,
Жон болам, келмасин сўзларим малол,
Беамал бўлса олими сўзамол,
Шаънига кўп киши тўқийди мақол:
«Эскирган, айниган қимиз!» демасин.

Кўрса ким, сўз қотиб, тажанг бўлманг,
Қичқириб, гап сотиб, даканг бўлманг,
Узилиб кетгудек таранг бўлманг,
Қадду қоматфуруш, сатанг бўлманг,
Тингламай пандни, кар, гаранг бўлманг,
Ўжару, қайсару, саранг бўлманг,
Келса дуч, кимса «бетамиз!» демасин.

Қадри бўлмас ҳама мато «брак»и,
Хулқу одоб —асл ҳусн безаги,

Яхши киймоқ ҳаёtimиз кераги,
Бўлса сочининг табиий жингалаги,
Чаккада гажжагини надир гилаги,
Ким йигит дер, буралса оқ билаги,
Туппа-тузук йигитни «қиз!» демасин.

Бемаҳал кўчада тўзиб юради,
Бошқалар тинчлигин бузиб юради,
Жанжалу хархаша қўзиб юради,
Баъзида лой ечиб, сузиб юради,
Қақшатишга «план тузиб» юради,
Шохи йўғу, ипин узиб юради,
«Гўшт эмас, ёғ эмас, бу без!» демасин.

Яхши пардоз аёл учун зийнат,
Энг чиройли ҳаё билан иффат,
Ажабо, баъзи бир йигитга уят,
Тақмагани исирга қопти фақат,
Сочини мажнуннамо, кири қат-қат,
Учратанлар бўлиб тажанг, диққат,
«Намда қолган бу ҳўл кигиз!» демасин.

Назаридан ўзини доғ қўймас,
Бир қадам ҳам эса, чатоғ қўймас,
Бошқанинг бахтига тузоғ қўймас,
Бахтга ноз айламас, думоғ қўймас,
Қўйса доғ, барча унда соғ қўймас,
«Тентагу, оқпадар, ғализ!» демасин.

Сени олтин қилур элинг назари,
Ким назардан қолипти: йўл хатари,
Баъзилар бор, ажабки, кекса-қари,
Деса мумкин, отасининг падари,
Яхшиликининг йўқ унда ҳеч асари,
Тил учида сочиш учун заҳари,
«Ким учун бу бола азиз?» демасин,

Ота соз: ўқитар у ўғлини соз,
Ўқимас бўлса, ким қилур эъзоз,
Ҳайф унга қалам билан қоғоз,
Ақли қисқа ва лек қадди дароз,
Гап сотар кўчада, ичиб оз-моз,
Ерни бир-бир босиб ажаб танноз,
Кўкрагига уриб у «биз!» демасин.

Энди Чархий сўзингни бас қилгил,
Яхшиларни мудом ҳавас қилгил,
Яхши деб, яхшироқ нафас қилгил,
Таърифу тавсифинг «запас» қилгил,
Панд этиб, «мен ёмон эмас!» қилгил,
Бошқалар ҳам ёмон демас қилгил,
Сўзлашиб халқ «пуч мағиз!» демасин.

ОҚЖАР ХОТИРАСИ

Қўшхонамиза тушиб эшонлар,
Беҳуда чекиб неча фиғонлар,
Ҳайпо жиннилик бериб нишонлар,
Бир подаи ҳўл бало кўринди.

Аввал чекишиб наша, тамоку,
Сўнгра қилишиб ялангда ҳу-ҳу,
Энгурдан балота банд оулиб бу
Қишлоқ эли мубтало кўринди.

Эгизда кўйиб хотин-эркак,
Сакраб отишар бариси жуфтак,
Атрофида қуршаган югурдак,
Афсус, неча ошно кўринди.

Кўп бемаза иш расо қилишди,
Оқжарни бутун қаро қилишди,
Эрдан хотинин жудо қилишди,
Эшонга бу иш раво кўринди.

1918

КЕРАК

Ҳарқаю иллат учун дорую дармон керак,
Дард кучаймай туриб, дардига имкон керак,
Касбу ҳунар қадрини билмоқ учун жон керак,
Жонни койитмай туриб, ким деди жонон керак,
Билгувчи сўз қадрини дўсту қадрдон керак.
Кенг далалар бағрида иш жуда қизғин, қаранг,
Қолхозу совхоз аро кўп дала шийпон башанг,
Баъзисида йўқ бино, борлари ҳам яп-яланг,
Баъзига не ваз десанг, радду бадал кўндаланг,
Дамни бекор ўтказиб, кимга пушаймон керак.
Меҳнат элин ҳурмати бизда шараф-шон эрур,
Яхши шароитли иш ҳосили хирмон эрур,
Тайин иссиқ овқати, бу қулай имкон эрур,
Бўлмаса ҳарён кезиб, фурсати вайрон эрур,
Дамни унутмас кишин қалбида виждон керак.
Бўлса врачдан мадад, ҳаммада тан сиҳати,
Кечаси кино эса, кундузи иш суръати,
Ялла ўйин вақтида, вақтнда хуш суҳбати,
Бўлмоғи лозим яна савдо-сотиқ хизмати,
Кўчма кутубхонада бир гўзал айвон керак.
Усти очиқ тўрт девор бу дала шийпон эмиш,
Бешта беланчак билан боғча муайян эмиш,
Кўп оналар иш қилиб, меҳнати равшан эмиш,
Ҳам болалар яйрашиб, диллари хурсанд эмиш,
Бунда шинам жўй бўлиб саҳна гулистон керак.
Томи шувоқсиз қолиб, баъзи бино нобакор,

Кечаги ремонт гулаб, панжара гулчин девор,
Тўп тепишиб ўйнашур юз каламуш ошикор,
Қайси халоскор акам бунга берур эътибор,
Баъзига юз турткидан, дер, битта снчқон керак.
Дўст ачитиб сўзлагай, сўз била ечгай гугун,
Яхши ахир, бўлмагай кўп чала ишлар бугун,
Кўп асабингга тегар тескари келган қуюн,
Баъзи кишин уйқудан уйготиб олмоқ учун,
Ўнта ўйинчи билан, бешта газалхон керак.

ХУРЖУН

(Бир артелнинг баднафс, маишатбоз техноруги ҳақида)

Кичкина бир артелдан чиқди каттакон хуржун,
Минг ашакка юк бўлган жулдуру ёмон хуржун,
Аввалида сир бўлса, бўлди сўнг аён хуржун,
Елкадан босиб гушди, келтириб зиён хуржун,
Бошқа ҳамма хуржунга бўлди имтиҳон хуржун.

Технорукни мақташди, ошга паҳлавон кўрдик,
Бир кичик ҳаён кўрмай, каттароқ зиён кўрдик,
Вақту бевақт биз уни доимо пиён кўрдик,
Унда на сифат бўлди, на ишида сон кўрдик,
Чунки катта артелда олтмиш уч дўкон хуржун.

Билган одам: феълидан хийла индамас дейди,
Билмаган: жуда ишчан, ишга серҳавас дейди,
Қирқта-қирқта кабоб еб, сўнгга аста, бас дейди,
Бир литр ароқ ичсам, менга чўт эмас дейди,
Еб, ичиб-ётиб, ухлаб, судралиб план хуржун.

Авж олиб бу артелда ранг-баранг жиноятлар,
Қалбаки муҳаббатлар, иъни эски одатлар,
Алдамоқда косибни, ҳам қилиб хиёнатлар,
Уйланишда ёш қизга, бошланиб зиёфатлар,
Оиласи шумшайиб, бўлди хонадон хуржун.

Соф юракли кўп косиб, ҳамма сирни фош этди,
Уйламай еганларин, халқумида тош этди,
Техноруги бўш келмай, кўпни орқадош этди,
Бўлмади бу хил тадбир, юзларини ёш этди,
Ҳайдалинди артелдан, бу акам ҳамон хуржун.

ЧАРХИЙ ВА ХАНДИЙ МУШОИРАСИ

Ч а р х и й:

Чиқмиш менинг ўртоғим палакка¹,
Устолиги бўз ила алакка².

Шойи тўқимоқни ўрганибди,
Гул топса тақир унинг мушакка³.

Гулга ҳаваси зиёда аммо,
Бўғданга бундан қоронғироқ.

Нотоблигини баҳона айлаб,
Тунимун ўзи энли гулхўпакка⁴.

Хандини кўринг ажойиб ўртоқ,
Айёрлиги ўхшагай камакка⁵.

Х а н д и й:

Еткурса нетайки чарх палакка,
Дилбарлар ўти тушиб юракка.

-
- 1 Қўк-осмон.
 - 2 Олача тўнлик мато.
 - 3 Станок ўйноғичи, тўқув дўкон ўйноғичи.
 - 4 Гул емак.
 - 5 Афсонадаги аёллар исми.

Бир гулга қўлим етишса эрди.
Узмасму эдимки, ҳидламакка.

Сайратма мени, вужудим ўртар,
Ошна эрсанг, энди кел кўмакка.

Гул ғунчасин ишқида адомен,
Булбул каби боғда сайрамакка.

Хандий қилиғи ажойиб эрмас,
Гул қайда эрурки, ҳар тулакка¹.

Ч а р х и й:

Ташла кўзинг ўлмаган палакка²,
То учрама пишмаган хамакка.

У гулга қўлимни еткурар деб,
Пешонани урмагил йўлакка.

Боғбондан ижозат олмай узсанг,
Бешак сени еткурар ҳалакка.

Пайкал гузоғига банд бўлиб сен,
Пойинг³ ўралиб кетиб хашакка.

Фикринг варағини йиртма, дўстим,
Кел энди ҳалол бир тилакка.

Х а н д и й:

Боқмай нетайин шакар палакка⁴,
Ул тоза палакда хандалакка.

¹ Қўп иш кўриб тулаган бедана.

² Қовун палағи

³ Оёғинг.

⁴ Шакарпалак-қовун.

Ҳайрат била тишладим лабимни,
Ақлим кетибон ўшал бешакка¹.

Пайкалга киришнинг иштиёқи,
Еткурди нетай мени ҳалакка.

Пайкал ичидан узиб тузоқни,
Қўйдим қадамимни каш-кашакка².

Шунча боқибон палаклар ичра,
Кўз тушмади ҳеч хашак-машакка.

Ч а р х и й:

Етганда бошинг агар палакка,
Ўхшатма ўзингни пат-паракка³.

Гап ташла гапинг мароми бирлан,
Ҳад борми кишига индамакка.

Бодмоғи таҳминини тишлар
Қим тиш урар бўлса пуч данакка.

Гулдан пашаларни ҳайдадим деб,
То учрама йўлда тез газакка⁴.

Буғдой унинг эрса сен овушма,
Эски жири қолмаган кепакка.

Донни тозалаб майин элашда,
Ғалвир сира ўхшамас элакка.

¹ Бодил қишлоғининг исми ҳандалаги.

² Торт-торт.

³ Болалар учирадиган патрак.

⁴ Заҳарли пашша.

Етганда бошим агар палакка,
Ўхшатмам ўзимни пат-паракка.

Сўз очма бу бобда, эй биродар,
Гоҳ ишқ чиқарур мени палакка.

То тушмаса бошинга бу савдо,
Ҳаддинг йўқ эрурки, э демакка.

Ошиқ нетадур мароми гапнинг,
Фаҳминг адашибди бу даракка¹.

Бармоги ишора гишлаб эрдим,
Мағзи тўла данаги саракка².

Бугдой унини на деб алишмай,
Жирлик, уни тоза бекепакка.

Оқлиқда ул унки синкадан оқ,
Мисли ани ўхшагай ипакка.

Ўт ҳожат эмае майинлигидан,
Хўп учрадим ушбу тез пазакка³.

Иргит нарига ки галвирингни,
Ҳожат сира тушмагай элакка.

Ч а р х и й:

Юрсак агар иккимиз етакка⁴,
Кетгай бу газал бориб кузакка.

¹ Бу галги.

² Тўқ данак.

³ Тез пишар.

⁴ Етов.

Кар бўлса, эшитганин қўярму,
Қўр тутса, ушатмагай бўлакка.

Ҳар гулни ҳавас деб ўтқазурму,
Гул учраса, гул дебон тувакка.

Ҳовлиқма, деган сарим борурсан,
Қассоб қопи ичра қоқ суякка.

Қийнайди табиатингни, дўстим,
Доно иши тушса бужмалакка¹.

Бул ишқу қавони баҳридан ўт,
Қолма чапақай тушиб шатакка².

Ҳазм бўлмаса ошқозонда оши,
Дард устига дард бўлар юракка.

Соф ният эса кишида ҳар чоқ,
Еткурғуси дилдаги тилакка.

Сендек инанганига гул ҳисба,
Сендек қари тому гунгалакка.

1939 йил, 15 июнь.

¹ Оптобсухта. Пишмай қолган бемағоз.

² Ёрдам берувчи, судровчи.

СИГИРИМ

Муборак энди боланг ҳусни беназир, сигирим,
Камина бахтига сен қолмадинг қисир, сигирим.

Тугубсан ўргулайин, мен учун гўзал гунажин,
Қўлимда тарбиялаб айлайин сигир, сигирим.

Кўзи кечамни қилур минг чироғдек равшан,
Тўнин майинлиги барқут каби ҳарир, сигирим.

Боланг бошини силаб гилларинг-ла пардоз эт,
Қўрарга шавқи билан ҳамма мунтазир, сигирим.

Қаноат ила ҳаёт чашмаси насиб бўлгай,
Сўзим мисоли ўзинг ҳазрати Ҳизр, сигирим.

Сени гаминг била ҳар кун шаҳарга бўз қўяман,
Хашак бозори билан уйга фирма-ғир, сигирим.

Беш ойча қантарилиб тортирилди сурробинг,
Теритни йўқлигидан сирти ён бағир, сигирим.

Тошурда кунжара, хирмон бошида минг каламуш,
Шелуха ярмиси сичқон учун назир, сигирим.

Емингни оз демай, инсоф ила егонингдан,
Сутингни бир ютуми олама гатир, сигирим.

Қўй энди, ўпкалама, катта бўлса новвосинг,
Хўкиз бўлар, қўш учун ҳам керак ахир, сигирш.

Болангни қўшга қўшибон баҳори пахта экай,
Чунончи, бир жўягига сепиб зигир, сигирим.

Чигитларини жувоз ёғи айлайин ҳайдаб,
Ўзингга кунжараси, ёғи бекасир, сигирим.

Йиғим-терим учун ҳам бир хўкиз арава қилай,
Ташурга ҳожат, эмас от ё хачир, сигирим.

Тамоми яхши матолар шу пахтадан ҳосил,
Бўлур гирика, батис, чит билан зифир, сигирим.

Сен ҳам тушун бу оғир кунга, кел қаноат қил,
Оғилда ҳайқирибон бўлма бесабр, сигирим.

Қуни келарки, фаровон ҳаётимиз янада,
Қанот ёзар, ошибон тоғу қирма-қир, сигирим.

На илтимосинг ошиб, на еминг камир, сигирим.

Ҳамиша соғу саломатлигини муродимдир,
Боланг билан яша-ю, еб-ичиб семир, сигирим.

Пўлатдек гардиши маҳкам таноби Чархингман,
Шу хилда ипни ипакдек майин йигир, сигирим.

1944

ҚЎРПАМ МЕНИНГ

(Бир дангасанинг хиргойиси)

Ишга чиқсам, ҳамроҳимдир қўрпам менинг,
Қайда соя-салқин, у ер кулбам менинг,
Кутмайди ҳеч раис акам беғам менинг,
Бу ҳол тутгай ялқовликда бардам менинг,
Ишда бўйин товласам ҳам, меҳнат куним,
Тайёр турар дафтаримда ҳардам менинг.
Пул бор, демак, давлатим ҳам ҳаддан зиёд,
Шунинг учун раис қилди ҳамдам, менинг.
Ишим бўлди гоҳи повур, дастурхончи,
Гоҳи боғбон, гоҳ саройбон ҳам-ҳам менинг,
Савлатимга ишондиму, шишиб кетдим,
Эгар йўғон новдаларни гавдам менинг.
Хотин ишда, мен салқинда, йўқ номусим,
Хижолатдан бўлмас юзим шолгом менинг.
Қолхоз иши бўлса бўлар, парвойим йўқ,
Танқид қилманг, кирар ақлим кам-кам менинг.
Халқ олдида шармандаман, бу не сабаб,
Ишга солмай эркалатган дадам менинг.
От яратса бўлмасмиди, табиат ҳам,
Яратгунча ялқов қилиб одам менинг.

1948

Ҳикоям аввал-охир: баъзи «мен-мен»
муҳтарамлардан,
Ҳерик, мансабпараст, олифта, таъби
сербурамлардан,
Жигилдон бандаси, бир неча нафсига
қарамлардан,
Текин ҳалвога ўрганган ҳаминша рам-
гарамлардан.
Шунинг-чун ўлкалайман кўнгли нозик, аҳли
фаҳмлардан.
Тўшунмай дўстларим ҳам далдирок боғлаб

Тақиб ёлпечга гуллар, қўнғироқ боғлашди отига,
Бўлиб обморчи тоқатсиз унинг беру узотига.
Қўшиб бемаъни оҳанг, ҳар нафас авжи баётига,
Манишатга берилди, фойдаланмай яхши
дамлардан.
Дегай: «жоним ширин», иш устида жонни
койитмасдан,
Ҳанимат кунлар ўтди, ҳар нафас қадрига
етмасдан,
Қийин-қистов баҳорда турмади ҳар ёққа
кетмасдан,
Бу кунги иш қолиб кеч, чиқди ёддан ҳал
этилмасдан,

Қилиб колхозни маҳрум куздаги тоғ-тоғ
ғарамлардан.
Хушомадгўй кўпаймай не бўлур, муфт ошу нон
бўлса,
Мушук ҳам силжимайди ҳар куни жиз-биз қозон-
бўлса,
Ўт олганда не ғам омборни бас, сичқонга дон
бўлса,
Ит олмайди иликдан, қўлда нон ё устухон бўлса,
Ғиринг овози чиқмас халқумига етса намлардан.
Япалдош, ўрдак эрди, бўй солиб, гарданни ғоз
этди,
Терак ютган кишидек, кеккайиб бошни дароз
этди,
Юриб меҳмонда кўп вақт, энг зарур ишларни оз-
этди,
Етиб ҳар хил киноя, халқ унинг номин «Хўроз»
этди.
Бўлиб мажлисда танқид жаҳли чиқди, эътироз
этди.
Шикаст етди унга, «ҳай-ҳай»лагувчи бир
қурамлардан.
Билимсизлик, назардан қолдириб, ўтмас, брак
бўлди.
Амал кайфи кетиб, жунжикканидан бужмалак
бўлди,
Эгилмасдан ҳалол меҳнатга, дўл урган терак
бўлди,
Терилмай вақтида, кеч кузда шумшайган кўрак
бўлди,
Узоқ олди нафасни, тез тушиб у эски дамлардан.
Юзига айтди дўстлар, унга қеч кор этмади
танқид,
Қулоқни қилди кар, асло юракка етмади
танқид,

Тузатмәк истади, ҳаргиз ёнидан кетмади ганқид,
Тан олмоқ унда гурсин, ўрнидан силжитмади
танқид,

Ҳамиша сақласин колхозни беюз бу акамлардан.
Олинди ишдан у, сўнгра ўзини тиклади колхоз,
Юришди иш бутунлай, топди колхоз ерлари
пардоз,

Тушунган ҳамма дер: у кетди, бўлди энди ишлар соз.
Агар иш қилса раҳбар, босса йўл инсоф билан
бир оз,

Бўлар қоли «заҳарли» ганқиду аччиқ
қаламлардан.

1948

УСТИНА

(Бир колхоздаги баднафс тегирмон мудирининг погора баёти)

Мушкул ишимнинг ҳожати,
Бир мушкул осон устина.
Бир йили рўзгор сарфи ҳам,
Бир кунги ҳамён устина.

Қурғур бу нафсим одати,
Йўқ ишга тобу тоқати,
Ишнинг зиёну роҳати,
Уч тўрт қадрдон устина.

Нафсим гуфайли шатта еб,
Кетган эдим. ўзни тийиб,
Бўлмас бу жойдан кўз қийиб,
Жон чиқса ҳам, жон устина.

Бугдойни тош янчар ялаб,
Мен бўлса тайёр ун талаб,
Кўз бирла тушдим пармалаб,
Ковланмаган кон устина.

Иш ёқмас одам улфатим,
Салқинда куилаб ишратим,
Ҳар кун ёзилгай меҳнатим,
Шунча пушаймон устина.

Собиқ ўшал бизнинг раис,
Эрди хушомадга ҳарис,
Қаттиқ сўзу пўсти нафис,
Муздек пешайвон устина.

Ёлғиз емайман ноними,
Асраб турарман жоними,
Мен энди топдим коними,
Шу нафс полвон устина.

Эртанги бош оғриққа шам,
Ҳам кечки қалқумимга нам,
Яъни гегирмончи акам,
Мулла Топингжон устина.

Колхозда кўп иш ошкор,
Пиллаб узилмас ревизор,
Иш хуржуну, меҳмон қатор,
Қун оша меҳмон устина.

Ёғим ҳамиша доғида,
Қўлим қўлқўшим қўғида,
Гоҳ қўйнинг пастки жоғида,
Шунча текин сон устина.

Колхоздаги қайноқ ҳаёт,
Музланмасин, қил эҳтиёт,
Танқид ўтингдан, Чархий от!
Бир тўп жиғилдон устина.

1949

МУОМАЛАНГНИ ЮВОШ ҚИЛ

(Баъзи шаҳар телефон станцияларига қарата)

«Алло»га маҳталу гар сўзласанг жаранг телефон,
Киройи бўлсаки, ҳеч ўлмаса сазанг телефон,
Бу ерда ундай эмас, гапга кўндаланг телефон,
Ўзиб, бировга улаб, ишлагай аранг телефон,
Муҳим сўзингни тугатмай, қилар гаранг телефон.

Бу ерда ишловчилар ҳамма хуш калом бўлса,
Қелишга безмаса кўплар, келишга ром бўлса,
Ўзоқнинг ҳеч иши пишмас, уловчи хом бўлса,
Кутишда бир кеча соат кунинг қаром бўлса,
Жавоби шугина: «Нўл банд», қилиб гаранг, телефон.

Фалони фабрикани бер, десанг, чиқар мактаб,
Қоқилса мактаб учун сим, биров уйида ғазаб,
Бу хилда кўп адашишлар ҳамиша қўзғар асаб,
Десанг, фалонга уланг тез, тезни сўз пла ясаб,
Уловчи кишиқ ойим ё мудом тажанг, телефон.

Шамол кунда узилса ўтар ою йиллар,
Тузалса иш битару мушкул анча енгиллар,
Кишига завқ берар, у қачонки жиринглар..
У ерда ишлагувчи, э қадрли сингиллар,
Муомалангни ювош қил, эмас даданг телефон.

1949



ШЕКИЛЛИ

(Мева дарахтларнинг ҳимоя қилиб)

Бир дарахт кўкаргунча,
Кўп баҳор тугар гунча,
Мевамиз пишиб шунча,
Барглари тўкилгунча,
Ер кузаккача калтак,
Бу қоқиш хато шекилли.

Писта мағиздек бодом,
Юпқа пўст, есанг ором,
Кесилич кетиб оқшом,
Қилди боғини бадном.

Агроном «хабарсиз»дир,
Бўлди бир бало шекилли.

Бор Қўқонда Оққўрғон,
Хоки ангири чаққон,
Бўлса гар саломат жон,
Кечкисига қил меҳмон,
Кесмади уни яхши,
Тортди иштаҳо шекилли.

Нурсухи — чарос кони,
Чиллаки, шнвилғонн,
Аррадан чиқиб жони,
Йўқ туришга дармони.
Қанча насллик ток,
Тухми зим-зиё шекилли.

Бормисан Қува нори,
Дардга шарбатинг дорн,
Қузда кўмилар бори,
Бўлса эҳтиёткори,
Бу анорни кўммаслик —
Мевага вабо шекилли.

Марғилон гўзал боги,
Луччаги — сариғ ёғи.
Яхши мева ҳар ёғи,
Арчилибди пўстлоғи.
Богбони эчкига
Бўлди ошно шекилли.

Мевалар десак қандлар,
Янги-янги пайвандлар,
Парваришда фарзандлар.

Халқ бу ишга хурсандлар,
Ким кесар: ёмон кўринар,
Юзи қоп-қаро шекилли.

Мевани кесиб қишда,
Қўйма бизни гашвишда.
Қайғусини тортишда,
Чархий оғзи қарғишда,
Ўйласа, деса яхши,
Кесганим хато шекилли.

1949

БҮЗАК ЧИҚДИ

(Бир қолоқ колхоздан олинган таассурот)

**Бизнинг колхоз раҳбарлари «зийрак» чиқди,
Зийракликдан ҳосил ярми брак чиқди,
Ўзга тухум бостирсалар ўрдак чиқди,
Тегирмонга солса бугдой, кепак чиқди,
Карам тузлаб, қишда қуруқ челақ чиқди.**

**Шаҳр атрофи серсабзавот, бўстон ерлар,
Сабзавотдан энг серунум майдон ерлар,
Ўзи текис суғоришга осон ерлар,
Нега бизга ишланмас деб, ҳайрон ерлар,
Бу ерларнинг шикояти андак чиқди:**

**«Ёт гиёҳдан халос қилса, юлиб ҳар кун,
Ўғит берса, оқин сувдан қилса мамнун,
Парваришдан сўнг сурунум бўлсак мумкин,
Тонна-тонна ҳосил берган бўлсак бурун,
Кам ҳосил ер деб, мажлисда сўдак чиқди».**

**Уруғчилик тарақлаган, ҳосил қуруқ,
Қанча одам, от-арава тарақ-туруқ,
Иш билмаслар кўрсатишиб йўлу йўриқ,
Картошкаси чиқмай, чириб кетди уруғ,
Кавлаганда кузда, тошу шўхак чиқди.**

**Ёзлик карам ердан чиқар баргин тараб,
Помидори ниш тортади кунга қараб,**

Одам пишар, бу пишмагай, ер тимдалаб,
Ўз билгимча афсус ейман, жовраб-жовраб,
Жоврай бериб бўғзимгача ичак чиқди.

Емсиэ ётар отлар тишни гижиллатиб,
Чорва мудир ош кавшайди, кўп гап сотиб,
Ўқиз похол ер, шохини қимирлатиб,
Хаёл сураб сигир шўрлик емсиэ ётиб,
Тор оғилдан маъраганча бўзак чиқди.

Бўш чоғлар кўп, тегирмонлар майхонамиз,
Ош ғанимат, кўнгил овлаш баҳонамиз,
Тегирмончи шам бўлса, биз парвонамиз,
Омборчи деб, ном берилган бедонамиз.
Биз наврўзи жўжа десак, туллак чиқди.

«Бу йил мунча ҳосил» деган ваъдалар бор,
Ўтган йилги «сув қилиш»лар яна такрор,
Кўч келганда юзлаб шувут, кўрүк омбор,

Шу қўллардан яна кучли қарсак чиқди.

Ўт ўталмай, етти гектар пиёз қолди,
Йўқ бўлган йўқ, унда-мунда оз-моз қолди,
Сув ичмасдан шу ҳолича бир ёз қолди,
Ёқасини ушлаб, уч-тўрт шоввоз қолди,
Уч-тўрт ғарам думи билан ўзак чиқди.

Бухгалтер ҳам маҳтал турар ишорага,
Савдо мудир тушунар ҳар иборага,
Чорва қўйи осилгунча қанорага,
Дастурхонни олиб ўтди идорага,
Қушойишта икки тўққиз чалпак чиқди.

Яхши ерга ёмон раҳбар бўлса, қаранг,
Бажармайди, бажарса ҳам етгай аранг,
Қуя тушиб, омборимиз аҳволи танг,
Каламушу сичқон кўп деб, бўлганда танг,
Текширишда кўп ҳужжатлар қалбак чиқди.

1950

БЕШИГИНГДА ЁТМАЙМАН

(Бола тилидан)

—Бас, она, бешикда ётиб,
Соғлигим йўқотмайман.
Тоза танга юз хил дард,
Юқмасин, йўлатмайман,
Боғласанг оёқ-қўлни,
Тўғрилаб узатмайман,
Созла менга сим каравот,
Бешигингда ётмайман!

Чинқириб фигон қилсам,
Эшитади кўшни. гузар.

Қовузим, ганимни эзар,
Соф ҳаво олиб яйрай,
Дим бешик юракни эзар,
Созла менга сим каравот,
Бешигингда ётмайман!

Сассиғу кана, бурга
Бўлди менга кўп озор,
Айланиб яра-чақага,
Қилди у мени бемор.
Йиғласам ағар кечалар,
Сен ҳам ухламай бедор,
Созла менга сим каравот,
Бешигингда ётмайман!

Йигласам овутмайдир,
Укки пат билан мунчоқ.
Митти қўлларим, онажон,
Бўғмасин у кир қўлбоғ,
Ўстириб мени эркин,
Янгича, тузуккина боқ.
Созла менга сим каравот,
Бешигингда ётмайман!

Яслага узат кундуз,
Барқ уриб кулиб ўйнай,
Ранг-баранг ўйинчоққа,
Телмурай, тўйиб ўйнай.
Кечқурун қучоғингда,
Эркалаб, гўлиб ўйнай,
Созла менга сим каравот,
Бешигингда ётмайман!

Қорним оғриса, менга,
Кинна бермагай ёрдам.
Қўз гуморни ёқ, ташла,
Эскиликка бер барҳам.
Ол врачнинг маслаҳатин,
Мен ўсай тузук, бардам,
Созла менга сим каравот,
Бешигингда ётмайман!

1951

БИР ОТНИНГ АРИЗАСИ

Мен Қўқон районлараро бир идоранинг оти,
Беқаров ўзим замбар ҳам оёқларим шоти,
Келса ёз, яланг ҳам жой, келса қиш,

изиллайман.

Қайда ётмогим билмай, кеч деса безиллайман,
Боқмас от боқар акамиз, ишлатар қишин-ёзин,
Қўрмадим сизаб сийпан қашлагичу партозин.
Меҳнатим ҳалол, азмо тарбиямиз қўл.
Ем қани, бедам қайда, бу хусусда сўзланмас,
Қишловим кичик айвон, ёнбошим яланг, муздек,
Ўйинкуни кишини йўл деб, ичиннам анчи туалек.
Беда урнига қамчи, ем деса, сизабимиз қўл.
Ен бериб ётолмасман, тушмагай эгар-жабдуқ,
Жабдугим хароблигинан, тортиниб ҳазар

қиламан,

Учраса семиз отлар, суқ билан назар қиламан,
Сув гекин агар ичсам, ойлигимга ем берсин.
Кафлимни олганлар бермай, энди ким берсин,
Ем умидидан кўзлар телмуриб пириллайди,
Сув ичиб, кейин қорним гулдираб шириллайди,
Қолди суратим, токай ушбу ҳолда ишлайман,
Кўр келиб мени, дўстим, сен томонга кишнаймам.

ЭЗМА ҲАҚИДА

Биров бор: маънисиз гапини сотиб,
Чиқади гапни ҳовлидан чуватиб,
Сўзласанг сен, сенинг сўзинг гузагиб,
Мақтанар сени уйгача узатиб.
У кишидан жадал юзингни ўгур,
Яхшиси у билан узр-маъзур...

Шунга ўхшар гаомнинг бетузи ҳам,
Бетуз овқатга ўхшагай ўзи ҳам,
Юз қоқинсин, очилмагай кўзи ҳам,
Менга ёлғон гуюлди рост сўзи ҳам.
Айнитар кўнглингизни, ош эса шўр,
Яхшиси у билан узр-маъзур...

Завқ берар донатор, саноқли гап,
Бўғадир ранг-баранг, бўёқли гап,
Минг гугун, юз ямоқ, қуроқли гап,
Маънисиз, баъзи гумтароқли гап.
Ҳаммаси сафсата, дегувчиси ёўр,
Яхшиси у билан узр-маъзур...

Мутаккаббир, сўзида йўқ пакка,
Сўз думининг узунлиги: ҳакка,
Юз кишига у кор келар якка,
Ўраб олгандай сўзни ғалтакка,

Гапни бошлаб қўйиб, кейин уни кўр,
Яхшиси у билан узр-маъзур...

Кимки бўлса шу хилда мақтанчоқ,
Юрма тенг, очма сўзу берма қулоқ,
Бурдсизнинг юриш-туришига боқ.
Сени бир кун қизартирар бу шалоқ,
Пиқитар, у, сенга қазар-да чуқур,
Яхшиси у билан узр-маъзур...

1955

ҲАММОМ

Унга ҳам қаранг: ҳаммом, бунга ҳам қаранг:
ҳаммом,

Биридан-бири иссиқ, гумбази заранг ҳаммом,
Зўрға-зўрға юганда биттаси аранг ҳаммом,
Гоҳи ўтга муҳтожу гоҳи сувга танг ҳаммом,
На илож, шикоятга бўлди кўндаланг ҳаммом

Гап учун чечанликдан, ёзганим қулай дейман,
Қанчаки чиқим бўлса, майли мен тўлай дейман,
Ўзбошимча «доно»лар сўзига кулай дейман,
Эплай олмаган комхоз, сендан ўргилай дейман,
Йил бўйи уч ой ишлаб, гўхтади, қаранг, ҳаммом.

Ойда бир мудир янги, балки айби шунданми,
Пулланиб чигит пўстлоқ, чиқмаган тутунданми,
Ё ечилмаган мушкул ёки бир тугунданми,,
Юрмагани бунданми, юргани ё унданми..
Ҳеч амалга ошмасдан, гап билан гаранг ҳаммом.

Бунга биз кўниб қолдик, майли-ку сизу бизга.
Ахтариб мусофирлар, гушди кунда гиз-гизга,
Жом қўйиб чўмилдим мен уйда эски даҳлизга,
Бунга сиз ажабланманг, бир сўзим десам сизга.
Олти ой юриб, тўхтар олги ой яланг, ҳаммом.

Қиш учун ўтин, чўплар бошқалардан ортмайди,
Ўз кўмочига кулни, ким экан у тортмайди,
Болта соп силлиқ бўлса, қўлни ҳеч қабартмайди,
Жон ака, беринг хушкух¹, халқ этакка артмайди,
Ўсти йўқ тешик жому, нафси бад наҳанг ҳаммом.

1955

¹ Хушкух — сочиқ.

САЁҲАТНОМА

1. МУҚИМИЙГА МАҚТУБ

Номинг, Муқимий, барҳаёт,
Ёзганларинг ёзди қанот,
Кўрсатди даврон илтифот,
Илм аҳли аввал хор эди.

Зулм авж олган у маҳал,
Фазл аҳли беқадр, камбағал,
Хор эрди шоир ҳам газал,
Сенга кенг олам гор эди.

Эл муддаосин куйладинг,
Чеккан азобни ўйладинг,
Ҳаққоний сўзлар сўйладинг,
Бечора халқ ночор эди.

Чиқсанг сафарга, одатинг:
Ҳамроҳ эди лоғар отинг,
Ҳеч ерда бўлмай роҳатинг,
Ҳар дам танинг бемор эди.

Қилдинг сафар нохуш. яёв,
Эзди сени йўл беаёв.
Учраб, ҳадамда неча гов,
Ул давр ўзи озор эди.

Кўрдингки, қишлоқлар хароб,
Тортдинг азобу изтироб,
Ҳар қайда кулфат беҳисоб,
Ҳар ерда оҳу зор эди.

Келди сен ахтарган замон,
Бўлди Ватан нурларга кон.
Юртинг фаровон, эл омон,
Утмишда зиндон, гор эди.

* * *

Мен сен каби қилдим сафар,
Обод, туташ қишлоқ, шаҳар,
Инсон азизу мўътабар,
Не истасанг: у бор экан.

Юрдим, машаққатсиз кезиб,
Мен қайга бормогим сезиб,
Қўйди машина етказиб,

2. ЎША ҚИШЛОҚЛАР: БУ КУН

Минг офарин бу давр учун,
Эл шоду мамнун, дил бутун,
Шоиру олимга бу кун,
Халқ ҳурмати бисёр экан.

Йўл устида «Қайнар булоқ»,
Олий бино нақшин равоқ,
Колхозда пахта тоғ-тоғ,
Ҳосил тўла омбор экан.

«Қумбости»ни қум босмаган,
Қишлоғининг сахни чаман,

Афсус еб ўтди кўрмаган,
Кўрганнинг бахти бор экан.

Создир «Элаш»нинг кўкраги,
Ўйнайди ғози, ўрдаги,
Токзорнинг ярми чиллаки,
Ярми ҳусайнизор экан.

Борсам, «Тўлаш» қишлоғи ҳам,
Колхозлари бардам бу дам,
Мактаб, клуби муҳташам,
Халқи тўкис рўзгор экан.

Қаерга борсам янгилик,
Деҳқонларини қадди тик,
Иўқдир хўжайин, беҳадик,
Халқнинг ўзи саркор экан.

«Оқтепа»га мен тепалаб,
Бордим кенг атрофин қараб,
Тушмиш иморатлар ажаб,
Атрофи боғ, гулзор экан,

Бордим у янги «Яккатут»,
Сероб экан қаймоғу сут,
Колхозчи тўқ, омбори бут,
Меҳнатда халқ илгор экан.

Ҳозирда «Сарқўрғон» сойи,
Бўлди саёҳатнинг жойи,
Тунларда ГЭСларнинг оёи,
Юз сою минг анҳор экан.

«Нурсух» унумга кон бу кун,
Боғ, пахтазор майдон бу кун,
Деҳқони беармон бу кун,
Ҳар ён чарос токзор экан.

Колхозчиларда легковой,
Қўркем клуб, обод сарой,
Мақтовга мавзу бир талай,
Қўп янгилар бор экан.

Ўзгарди «Рафқон» бус-бутун,
Қишлоқ электрли бу кун,
Чой қайнатар ёқмай ўтин,
Не хоҳласа, тайёр экан.

Серзавқ бордим «Исфара»,
Обод бўлибдир яксара,
Шўх сойлари сершаршара,
Ҳар йил бориш даркор экан.

Қирда ўрикзор боғлари,
Боғларда шўх ўртокларини
Янгиранди хуш чақчақлари,
Суҳбатлари такрор экан.

Ҳар икки халқ дўсти азиз,
Янги ҳаёту янги из,
Ўзбеку тожик ёр экан.

Эгмиш габиат бизга бош,
Саҳрою дарё тоғу тош,
Халқда яқинлик: кўзу қош,
Бир сўзу якгуфтор экан.

Бўлди саёҳатбон замон,
Халқларга халқлар меҳрибон.
Шоир учун гул ошиён.
Ўгмишда шоир хор экан.

Қайтдим Қўқон, айлаб сафар,
Мангу йўқолмиш хавф-хатар,
Чархийга солсанг бир назар:
Босган нзи гулзор экан.

БАЪЗИ САРТАРОШХОНАЛАРГА ҚАРАТА

Кимдаки бўлса гар ҳалол меҳнат,
Беради меҳнати улуғ баракат.
Кимдаки бўлса ноқулай ҳаракат,
Зарари халқ учун етар албат.
Нега бундай десам, биров йўлда
Деди: кўз шипда-ю, кўнгни пўлла.

Ким қўпол уста, у даромади оз,
Ким силиқдўз, ўшанга ҳамма мижоз.
Кимки ширин хикояларни эвжа
пархи каффон баҳона сабзи пиёз,
Нега бундай десам, биров йўлда
Деди: кўз шипда-ю, кўнгни пўлла.

Баъзи бир устада кир устаралар,
Хира бир аррадек ғудур аралар,
Бугун олсанг сочингни хўб саралар,
Эрта бошу бўйинда жиқ яралар,
Нега бундай десам, биров йўлда
Деди: сочиқ, рўмоли, ҳўл-ҳўл-да.

Девор ўргамчи торидан ифлос,
Оёқ ости жуну, махорка-ю, нос,
Уни совун, пиёла қилма қиёс,

Сири кўчган лапақми ё кир тос,
Нега бундай десам, биров йўлда
Ўнгга юрмас биров, деди, сўлда.

Қийшиқ ойнак вужуди сепкилдир,
Пашша тешган рўмол жало-жулдур,
Хоҳ соч олдиру, гапим шулдир,
Биттадан мўйларингни хоҳ юлдир,
Нега бундай десам, биров йўлда
Деди: хулласкалом гап шул-да.

Қассир нархида рақам бошқа,
Сартарош устага қарам бошқа,
Заведиш чораси у ҳам бошқа,
Ҳоказо ўртада дирам бошқа,
Нега бундай десам, биров йўлда
Дедиким: дўст ҳисоби кўнгулда.

Баъзисига кибрга ҳад асло йўқ,
Ўзидан бошқа ишда аъло йўқ,
Гапга эпчил, ҳунарга парво йўқ,
Яна у ўпкаларки, савдо йўқ,
Нега бундай десам, биров йўлда
Дедиким: сайроқи шу булбул-да.

ҚҶЧАНИНГ ШИҚОЯТИ

Қўп кута-кута битди тоқатим,
Тош солишлари чўзилиб кетиб.
Яна арз этай, йўлга термулиб,
Бу ичак-чавоқ узилиб кетиб.

Баъзи бир кўча боғланиб тўнон,
Муҳташам бино оулди икки ен,
Қистамоқ учун қатнайинмикин,
Югуриб келиб, югуриб кетиб.

«Шаҳар ободон бўлими» яхши от,
Бошқаларга дўст, фақат менга ёт.
Нотекисликдан юрмас машина,
Бошқа бир томон бурилиб кетиб.

Қишда сийғаниб халқ юрар аранг,
Қиш, баҳорда лой, ёзу кузда чанг.
Иилдан-йил ўтиб, ҳеч тузалмадим,
Пул бўлак томон сурилиб кетиб.

Бошқа кўчалар асфальту силлиқ,
Нега менда йўқ? Бу нечук қилиқ?
Баъзи бир кичик, тор кўчагача,
Ғишт тротуар қурилиб кетиб.

Энди иш битар чоғида нетар:
Биттаси келар, биттаси кетар.
Энди ўлчаган чоғида мени,
Бир чатоқ билан урилиб кетиб.

Чархий, ёз мени, бир келиб кўриб,
Гоҳ девор қучиб, гоҳ секин юриб.
Ёз, ажаб эмас, қилсалар назар,
Сметаларим тузилиб кетиб.

1956

ОТЛАР МАЖЛИСИ

Биз баҳор аввалидан мард ила майдонлашамиз,
Қилмасак ваъда шу кундан яна нуқсонлашамиз,
Ҳамма вақт меҳнат учун жон била чаққонлашамиз,
Чинакам ҳосил учун аҳд ила паймонлашамиз,
Пухталаб ишин, кейин бирга қадрдонлашамиз.

Айқун оғзи оғизларин билан айбон кўн олган,
Ёпиқ ичра ярашур муз, очик айвонда қиров,
Пичан омбори қуруқдур ем учун қанча сулов,
Майда кичи илдамасун, илдамас ҳам бизга биров,
Билан бир масманилар устида қадрдонлашамиз.

Баъзимиз устида бор эски тўқум бирла эгар,
Минг ямоқ юзта тугун латтали жабдуқ яксар,
Хашак ўрнига мудом қамчими еб шому саҳар,
Қорину сирт бугун бўлди яғирдан баттар,
Хўжа кўрсин неча от устида дostonлашамиз.

Ола пакки қора, кўк, бўзу кавар бирла чаман,
Қораёл, чанбулу чавкар, қорағир бирла саман,
Гулбодом бирла тўруқ, қўнғиру таллон, жийран,
Йўрга, йўртоғи, темиркўк ённда қашқа билан,
Озгина танқид эгиб анчагина жонлашамиз.

Ҳаммамиз оға-ини бир кўзу бир қош янглиғ,
Ажратиш айб гурунч ёнидаги мош янглиғ.

Тегмасин таъна юрак кўзгусига тош янглиғ,
Усти норин серқийма палов ош янглиғ,
Баб-баробар бу баҳор фаслида имконлашамиз.

Ҳосилол тақсимида ему хашак танг бўлди,
Эски гафтишқўм ила ҳар кунг бир жанг бўлди,
Бош буғалтерни ҳисоби яна ҳарранг бўлди,
Бизга йўқ деб яккақозиқларга манг-манг бўлди,
Ким билан баҳс этиб, ким ила дармонлашамиз?

Гўнгни қиш чилласида қанча узоқдан тошамиз,
Неча пасу юқори йўл уза кўприк ошамиз,
Икки-уч норма учун йўл-йўлакай кенгашамиз,
Чираниб манзилимизга етамиз де-шошамиз,
Бу ҳалол меҳнат ила гашти гулистонлашамиз.

Гоҳи лойликда мудом айланишиб пакка билан,
Тақасиз, сийқа туёқ гоҳ йиқитиб чакка билан,
Дум эса пашша билан, бел олишур ҳакка билан,
Етамиз қантирилиб кал сўталиқ макка билан,
Арава шотисидай чўққиси бежонлашамиз.

Ахир инсоф керак, навбат ила наввотлар,
Бир улоқ бирла олур тобни чавандоз зотлар,
Тек ётиш бирла ҳазм бўлмагай ҳеч авқотлар,
Биз билан ишга чиқинг сирти тухумдай отлар,
Гоҳи шудгорда юриб, гоҳида бўстонлашамиз.

Бу ётиш бирла текинига ёмон ўрганасиз.
Сал совуқ ўтса, иссиқ жойга қараб сурканасиз.
Саратон вақтида ҳам дангасадек бурканасиз,
Ёзни қайноқ сувидан ичгали ҳам жирканасиз,
Ишимиз қадрини билсак, нега арзонлашамиз?

Чиллани бузмасангиз, эски касал ҳам қўзилар,
Ошқозон ҳам ҳаракат бўлмаса, бир кун бузилар,

Кунда баднафс ҳўкиз бўйнида нўхта узилар,
Дала шабадасидан қўшда пайингиз чўзилар,
Бўлмаса ваъда муқаррар, кейин армонлашамиз.

Эшигинг, ким ҳаракатда ҳамма жон пахта учун,
Дон тошурда паровоз ила вагон пахта учун,
Баракатли мўл унум бизда ҳар он пахта учун,
Биз ҳам албатта қўшиб ҳиссага кон пахта учун,
Кўтариб қоматимизни яна жавлонлашамиз.

Қамчиликни бириси йўлни юз алвон айлаб,
Ажабо, эркалашиб сайри шабистон айлаб,
Машина узра пару парқуни тахмон айлаб,
Чап бериб Олтиарик йўл ила Чимён айлаб,
Айни иш қизғинида биз Шоҳмардонлашамиз.

Бўй сарин сибон ишга ишоратга дадил,
Бизга ким дўст эса, қилмас хашагу емга ҳазил,
Бизнинг мажлисида қарор шу, ҳамма майдонда аҳил
Бир киё бокмасалар, бўлмасалар бизга кафил,

1

ДАРАХТЛАР ШИҚОЯТИ

Салому ҳурмат ила сўзни ибтидо қиламиз,
Бу арзимизни ёзиб, халққа илтижо қиламиз.
Кўнгилни мақсад ила яхши ошно қиламиз.
Ечилса иш чигали, завқ ила сафо қиламиз.
Қиёмига етириб қиссани, адо қиламиз.

Биз иладир кўкалам, майсазор шаҳар, кишлоқ,
Биз ила соя берар барча истироҳат боғ.
Бу богдаги азамат кўп дарахт ҳоли чатоқ —
Томирда нам йўгидан барги йўқ, тани яйдоқ,
Ўтин бўлиб ёқилиб, кузда алвидо қиламиз.

Бадан-баданни тешиб, қурт билан қизилишгон,
На бунга чора, на бу дард учун бўлур дармон.
Давога дақмазалар кўп, иложга йўқ имкон.
Вужуд кавак — кавагу, шоху баргимиз нимжон,
Биз ўпкалашга яна озгина ҳаё қиламиз.

Баҳона «қурт еди», мақсад ўтин учун каллак,
На балхитут қутулар, қўлидан, на марвартак,
Ўрикнинг жони чиқиб, олмани тутар безгак,
На олхўри қолади, ноку нашвати, қандак...
Қўлида болтаси бор дастидан «қазо қиламиз».

Экилди, бўлди ҳисоб, парваришга ҳафсала йўқ,
Йўл устида неча минг туп — ниҳоллару маза йўқ.

Синиш, қуриш — бу сабабсиз эмас, муҳофаза йўқ,
Бирининг кундаси бору, бирисида тана йўқ,
Бировга айтгали биз анга иштибо қиламиз.

Қаторда сада, чинор, катта қайрағоч бизлар,
Теракларики, эни икки-уч қулоч бизлар,
«Фақат ўтинга яроғлик, қуруқ ёғоч» бизлар,
Мисоли қовжираган кулдаги кўмоч бизлар.
Қаровчи ким эса, ҳар тўғридан «ризо» қиламиз.

Ҳамалда зўрга униб, кузда бужмалак бўламиз,
Баҳорда соя бериб, қишгача «брак» бўламиз,
Дарахт нишонаси қолмай, қуруқ ўзак бўламиз,
Демангки, қишга керак, ёзда ҳам керак бўламиз!
Ким этса тарбия бизга, унга вафо қиламиз.

Бу ишга ким мутасадди? Бошимга етмасалар?
Энгил, қорда топиб жонларин, койитмалар
Тегишли дори, ўгитлар бериб, бойитмалар,
Қўқартириб, яшатиб, дил очар жой етмасалар,
Бўлакча бийтв ғазал бирла можаро қиламиз.

КЕЛДИМ

Эскича удум билан ўғил уйлаптириб, қиз чиқариб кўп
ташвишга дуч келган бир кишининг ҳасрати бу турур:

Сенга, Муштум, қилай бу арзимни,
Йўллайин нома бирла нарзимни,
Осмайин гарданимга қарзимни,
Бирга этсак адо бу фарзимни,
Сени соҳиб қалам, дедим, келдим.

Оила, уйнинг ташвиши бирлан,
Тўю сурларнинг гиш-гиши бирлан,
Қўни-қўшнимнинг миш-миши бирлан,
Мен шунинг дарду койиши бирлан,
Анча йўқдир мазам, дедим, келдим.

Ўғил уйлаш эди шу ниятимиз,
Юлиниб кетгудек қитиқ патимиз —
Катта исроф учунми меҳнатимиз?!
Жонга тегди кўп урфу одатимиз,
Дилда дардим гарам, дедим, келдим.

Яъни, тўйнинг қатор маш-машаси,
Ҳар кун отинойимнинг хархашаси,
Шу зайл кунда ўй, алам нашъаси,
Чақибон чаккани бу ғам пашшаси,
Кўчада рам-тарам, дедим, келдим.

Одамохун бўлиб, ахир, сизу биз,
Бир гилам ўрнига наинки кигиз,

Югуринг, қарз олинг, дегай тез-тез!
Жон хотин! Менга айтгину ҳаргиз,
Бошқага айтма, дам, дедим, келдим.

«Супра ёйди» деган бир одат бор,
Дедиким: бўлмаса кўп офат бор.
Мен дедим: танда жон омонат бор,
Топсанг ол, топмасанг на ҳожат бор,
Борму менга сен ҳам, дедим, келдим.

Қиз чиқармоқ, ўғилга ҳам шошмоқ,
Майли, меҳнат билан ошиб-тошмоқ,
Олга қандай пиёда ёндашмоқ,
У мўгул тоғидан доvon ошмоқ,
Бу на ҳирсу ҳашам, дедим, келдим.

Қўрпа бахмал, беш-ўн якандози,
Парқудан ўнта, энг гўзал, сози,
Уна оқ шоҳида поендози,
Мен қарам сизга дер қишу ёзи.
Сенга мен ҳам қарам, дедим, келдим.

Ялинио унга мен риоя олмади.
Қарасангчи, десам ҳимоя билан,
Деди: одаммисиз шу соя билан!..
Мен дедим кўз қисиб киноя билан:
Битар иш ўйласам, дедим, келдим.

Қиз томон кам бисоту сермазмун —
Бой куёв миннатин кўрар бир кун.
Е келин хушбисоту фаҳми забун —
Қунда оқил куёв бошида ўйин,
Тугамас бир алам, дедим, келдим.

Базм учун паҳлавон керак, дейди,
Синса чинни, товон керак, дейди,

Сеп санарга фалон керак, дейди,
Юз очарга жовон керак, дейди,
Берма менга қасам, дедим, келдим.

На ғараз тўй қилиб тугалмоқдан,
Уйланиб, ўй босиб, уялмоқдан,
Бу каби «орзу»лар ушалмоқдан,
Бошга қарз сиртмоғини солмоқдан,
Оҳ, қорним варам, дедим, келдим.

Ошу сув бир жаҳон, жаҳон исроф,
Ноз-неъмат ҳамон-ҳамон исроф,
Оёқ остида нону дон исроф,
Аттанғ-аттанғ, ёмон-ёмон исроф,
Кўрибон кўзда нам, дедим, келдим

Ана ҳангома, базмлар данги,
Ана тўй аҳли номила нанги,
Ана майхўр, отарчилар — жанги,
Тўйи бўлса «Ироқ» оҳанги,
Қарзи «Савти ажам», дедим, келдим.

КАМ БЎЛМАНГ

Иков колхозни ҳам раҳбарлари сиз ишда дам бўлманг,
Етишган мўл унум жам бўлмагунча, кўнгли жам бўлманг,
Амалда яхши ишланг, гапда лекин серҳашам бўлманг,
Териб шабнамга қўйган пахтадек бекорга нам бўлманг.
Аяб юргувчи бегамларни кўнгулчан акам бўлманг,
Раис ўртоғ, бўлинг соғ, ишқилиб, дунёда кам бўлманг.

Теримни эв айтади кимда, озиёроқ бўл юрса,

Кўн ўтса, соат ўтса, ёшу кекса беаёв юрса,
Зах уйларида беланчак, ёш гўдакларда тумоч юрса,
Саранжом иш бўларму бесапанжом шунча тов юрса,

Раис ўртоғ, бўлинг соғ, ишқилиб, дунёда кам бўлманг.

Терим чоғи танимат фурсат, аммо ишда силжиш йўқ,
На ҳурмат тахтасига ҳурмату, ҳурмат учун иш йўқ,
Озиқ-овқат егарли-ю, ўчоқ қурмоққа гишт йўқ,
Дала шийпон ёмон аҳволда деб, ҳеч кимда ташвиш йўқ,
Хижолат тушса ҳам, ўт кетса ҳам қаратгувчи шам бўлманг,
Раис ўртоғ, бўлинг соғ, ишқилиб, дунёда кам бўлманг.

Теримда Ҳадяхондек бошқалар кошки бажо терса,
Қўлида ёш гўдак бор, икки юз ўнлаб кило терса,
Уятмасму ёш авлод пахта ўрнига ҳаво терса,
Ажаб Ойпарча қирқ беш, Хосият қирқ тўрт кило терса,
Сомондек елга енгил, яъни ҳосилсиз ғарам бўлманг,
Раис ўртоғ, бўлинг соғ, ишқилиб, дунёда кам бўлманг.

БАЪЗИ ҲОВЛИҚМА ШОИРЛАРГА

Шоир ўртоқ, шеърингда дилга завқ пайдо қилинг,
Сўнгра чин сўзни тўқинг, мазмунларин зебо қилинг,
Вазну мазмун, жумла чокин ётқизиб, парво қилинг,
Бир йигитга қирқ ҳунар оз, ҳаммасин аъло қилинг,
Айб эмас, бир сурнаг олиб, савти насрулло қилинг.

Шеър бошбоқсиз чавандоз от эмас, анжом эмас,
Ёки ҳаммомдан сув олиб ишлатувчи жом эмас,
Мағзи пуч, ранги басавлат писта, ё бодом эмас,
Ёки сўз ёмгури бирлан лола очган гом эмас,
Халқимизга пухта, манзур бўлурдек совго қилинг.

Шоир аҳли кўча кўйда юрмагай найранг сотиб,
Ноўрин даъвони алдар халтасидан ранг сотиб,
Ҳар қадам минг афсус олиб, ҳар минут аттанг сотиб
Ҳамма гап сотганда, сиз ҳам сўзни тору танг сотиб,
Растандан майли дўкон топиб, ғазал савдо қилинг.

Уста кўрмай, усталик даъвосин этманг пешасин,
Билмайин урманг тегирмонга жувозкаш тешасин,
Рандалашда ҳўл ёғоч тобин билинг андешасин,
Сурканиб ҳар ёнга, синдирманг муҳаббат шешасин,
Обрў даркор эса, ҳар жойда истиғно қилинг.

Гарчи истеъдодли деҳқон бўлса ҳам айлаб адаб.
У миришқор богбондан гажриба айлар галаб,

**Шотн қўймай томга интилган қолур лабни ялаб,
Ҳовлиқини паккаси бор. қийнаманг сочи тараб,
Мисни меҳнат бирла ишланг, қип-қизил тилло қилинг.**

**Кўринур оғир табиат сувга тўлдирган челақ,
Лек сувсиз савлатин ҳеч писанд этмас элақ,
Тут билан қомат галашиб, меvasиз қолди терақ,
Пут керилмасдан, узангудан тушинг биздан бўлак,
Ким кўринса, эски шоирман денгу даъво қилинг.**

**Баҳрасиз, сувсиз, равонсиз эски дарёни нетай,
Туйғусиз, қалби умидсиз бўлай, ошнони нетай,
Ёридан қувланди бўлган зор шайдони нетай
Беҳи бемеъёр гупуртирган нишолдони нетай,
Майли гузсиз бўлса ҳам, бир маззалик ҳалво қилинг.**

ИДОРАДАМАН

Бир бюрократ бухгалтерга дуч келиб, иши битмай
сарсон бўлган киши тилидан)

Бир-икки йилки, бир ишга ажаб оворадаман,
Гаҳи тобоқда қолурман, гаҳи тогорадаман,
Гаҳи наводан ўтиб, най билан суворадаман,
Бухгалтер ила битар деб ишим бу борадаман.
Қўлимда ҳар куни бир арзаю, идорадаман.

Илик узилди маҳалда бир оз толган эдим,
Мен ҳам бўйинни қисишдан жуда уёлган эдим,
Нетай, на чора, таноби бўшаб чувалган эдим.
Бор эди ҳожатиму қарзга бир узалган эдим,
Бу қарз қопига хуржун ямаб, суворадаман.

На бўлди, бир нима етмай, ҳисоб чатоғлашди,
Кўнгил хира, жуда бошдан ҳушим узоғлашди,
Менинг билан қиру ёв пул томон иноқлашди,
Уришмади, лекину чўнтагимни қоқлашди.
Бу мушкулимни ечишда топурга чорадаман.

Наинки бир йил ўтиб ҳам жавоб: «Эрта келинг»,
Дедимки, айлама бундай хуноб эрта келинг,
Дедимки, иш бугун кўп, шитоб эрта келинг,
Дедим, тугарми ҳисобу китоб эрта келинг,
Мен ҳам бу эрта келингдан чўчиб, канорадаман.

Биров қўшиб еса қўйса, бирор хуришми эдим,
Жиримни қирса-ю олса, мўмай улушми эдим,

**Илинсаму тузоғига туширса қушми эдим,
Пайнки тулки етолмас баланд қанорадаман.**

**Ёронлар, учраса айтинг, бу не бало демасин,
Ўзни оқу, бировни қаро демасин,
Ҳамиша бюрократлик қилур вафо демасин,
Бу ерда мартабам ортиқ, казо-казо демасин,
Бу ҳажв сурнагим эрса, яна нағорадаман.**

ГУППАНГ

Ҳар қанча мақтасанг ҳам,
Бўлмиш киройи гуппанг.
Бўлганми ҳеч қаерда
Бундай бинойи гуппанг.
Тортар оёқ тагидан,
Юрганда лойи гуппанг.
Ботқоқ ҳеч ип эшолмас,
Тўданинг пойи гуппанг,
Йилнинг икки фасли-ю,
Қишининг уч ойи гуппанг.
Савдо дўконлари кўп
Ва муҳташам биноси.
Гард юқмаган мато йўқ,
Анқир дўкон ҳавоси.
Қиш лойндан палоси,
Ёз чангидан либоси.
Аммо йўловчиларнинг
Шу ҳақли илтимоси —
Тош ётқизилса йўлга,
Бўлгай анойи гуппанг.
Халқ ҳурмати деган сўз
Чиққай ширин нафасдан,
Жойларда силжимас иш,
То арзу дод демасдан.
Йўл индаганда, инсон
Турарми индамасдан?

Ўткинчилар юролмас,
Кўчада мункимасдан.
Хоҳи машина бўлсин,
Хоҳ тева, тойи гуппанг.
Кўп кўча яшиланди,
Областда донги чиқди.
Хўп яхши бўлди асфальт,
Йўлларнинг ранги чиқди.
Бироқ Норинда йўлнинг
Лойи-латанги чиқди.
Навбат келганда бунга,
Йилнинг гаранги чиқди,
Ижрокомга арзимиз
Қачон бажойи гуппанг?

1956

ҚИНҒИРЛИК ЁМОН

Тўғрилиқ кўп яхшидур оламда, қинғирлиқ ёмон.
Тарбият бирлан тузалмас бағри тош қирлиқ ёмон.
Минг аср ер остида қолган темир том бўлмагай,
Занилаган мисни қизартирмоққа жилвирлиқ ёмон.
Фарқ этиб яхши-ёмонни, сўнгра йўлдош айлагил,
Тилда дўсту меҳрибонлиқ, дилда қилвирлиқ ёмон.
Дангаса том бошида доим гадодан нон сўрар,
Ишда йўқ, лекин маишат бўлса ҳозирлиқ ёмон.
Орқадешинг орқадан боппайди, бор орқам дема,
Бўйинига бир бор занжир тушмаган шерлиқ ёмон.
Ҳарна тадбир айласанг душманга ишлат, дўст учун,
Хийла-найранг, бетамизлиқ бирла мудбирлиқ ёмон.
Тер тўкиб топса кишилар ёғ ила яжман еган,
Кунда бемеҳнат топилган тандаги жирлиқ ёмон.
Йўлда юк босганга ҳомий бўл оғир юк босмасин,
Ишга ҳозирлиқ дуруст, ишратга моҳирлиқ ёмон.
Текин ўт деб, ҳар томондан шилма эпчиллик билан,
Сур бўлиб қилган иморат нақшида сирлиқ ёмон.
Эр аёлдан ё аёл эрдан баҳона тарзида,
Ҳар бўлар бўлмасга ҳар ёқларга гир-гирлиқ ёмон.
Етди ботир, етди деб етмиш тийиндан йўқ дарак,
Лекин ишга иштаҳа йўқ, ошга ҳозирлиқ ёмон.
Сут билан кирган ҳар одат жон билан у чиқса қам,
Ол деса, ойда жаранглар кунда бер-берлиқ ёмон.

17. XII — 58 йил.

АЛИХЎЖА — ХЎЖААЛИ

Сарлавҳа-ю, сўз аввали,
Иш бирла одам танбали,
Қир кўрпа, ўтсиз сандали,
Пешонанинг сал-пал кали.
Шакл — ўзга, мазмун — бир, бали,
Алихўжа — Хўжаали.

Тош сувда сарқит бўлмаганай,
Ранг бир-ла ёқут бўлмаганай,
Сутдан катик бут бўлмаганай,
Мазмун дури, сўз сайқали,
Алихўжа — Хўжаали.

Дам ўтса, ҳар иш дамланур,
Ғамдан вужудинг намланур,
Ҳар кунги ризқинг камланур,
Ҳар ким ишидан фаҳмланур,
Иш дангали, қиш дангали,
Алихўжа — Хўжаали.

Миннатли ошнанг ошидан,
Теккизма иллат тошидан,
Қолма юрак бардошидан,
Уйнинг муқашшар мошидан,

Хоҳ қанди, хоҳ мирсанжали,
Алихўжа — Хўжаали.

Одам эмас интилмаса,
Интилса-ю, ҳеч жилмаса,
Инсофга ҳар ким келмаса.
Гап билса-ю, иш билмаса,
Тош пайкали, мош пайкали,
Алихўжа — Хўжаали.

Ўз нафсини мард ўйламас,
Ялпиз қалинин бўйламас,
Ҳар гапни гап деб сўйламас,
Ёлгон ғазални куйламас,
Ғап муҳмали, саф муҳмали,
Алихўжа — Хўжаали.

Сурбест юзи ҳеч нам емас,
Нам тортса ҳам у, ғам емас,
Сўфи текидан дам емас,
Бир еса, юздан кам емас,
Бир лаънату юз минг бали,
Алихўжа — Хўжаали.

Токайгача бюрократ,
Халқдан сира қилмай уят,
Баъзиси тулкидан сиҳат,
Баъзиси мерчу «мирпўлат»,
Минг танқид этсанг ҳам бали,
Алихўжа — Хўжаали.

Яхши-ёмон тенг бўлмагай,
Қайсар қулоқ динг бўлмагай,
Эски ямоқ енг бўлмагай,
Тўққизта юз минг бўлмагай,
Куф-суфу фолбин шашқали,
Алихўжа — Хўжаали.

Одам эса гап фаҳмласин,
Қўп фойдани сал камласин,
Озроқ гомогин шамласин,
Инсоф ла чой дамласин,
Чой шамали, гап шамали,
Алихўжа — Хўжаали.

Қочгин хурофот лойида,
Торт қўлни теккан жойидан,
Қўл ювма балчиқ сойидан,
Туз тотма гўшту мойидан,
Кир халта-ю, эски тали,
Алихўжа — Хўжаали.

1959

КЎНГЛИМ БИР ҚАРАНГ ДЕДИ

Кўнглим шаҳар ҳаётига бир йўл қаранг, деди,
Аввалгидан чиройли, гиниқ, таб-таранг, деди,
Боғ сабзадин кийинди, либоси башанг, деди,
Силлиқ сифатли йўлни кўриб, эл яшанг, деди,
Лекин бир-икки жабҳада аҳволи танг, деди.

Ишнинг ҳавосин олди, кўринг, горочистка ҳам,
Асфальт йўл усти тоза-ю, бир навъи серҳашам,
Кам қатновви ниқояти ифлосу беқарам,
Йўқдир иложи кундузи босмоққа бир қадам,
Ҳар жинси хор-хас, бадбўй чанг, деди.

Жойларда иш кашоллиги, наззора йўқ учун,
Пасту баланд баҳона билан қайтарар тутун,
Боглардаги ариқ бақатўн, кўча чанг бутун,
Шу йилги кўп кўчат қуриди, бўлди у ўтин,
Кимлар бу ишга нозир, ким кўндаланг, деди.

Баъзи маҳалла кўчаси бечангу беғубор,
Баъзи маҳалла аҳли нечук бермас эътибор,
Бир қўшни гар супурса, бири ахлатин тўкар,
Озодалиқ табиат учун қанчалик мадор,
Кўкка боқиншдан илгари, йўлга қаранг, деди.

Уй хўжалик мудирига бир яхши маслаҳат,
Биздан ижара бермагу сиздан тузиш фақат,

Ремонт талаб иморат ичин дарди қатма-қат,
Аввал баҳорда арз ила қилсанг мурожаат,
Қиш чилласи ариза кўрилгай аранг, деди.

На сўзда бир натижа, на битгай ишини тиниқ,
На ваъдага вафо эса, на рухсати аниқ,
Бундай чигал муомала гўё ери ариқ,
Шўрхок мисоли йиллар ўтиб пишмагай тариқ,
Кимга дейишга арзини йўллар гаранг, деди.

1959.

К Е Т Д И

(Қўқон шаҳри билан Фрунзе райони ўртасидаги
Пахтаобод йўлининг шикояти)

Номим менинг «Пахтаобод»,
Ким қарайди менга, войвод.
Умидларим бўлди барбод,
Жаврайвериб дармон кетди.

Бор масофам километр,
Езда гуппанг, қишда чуқур,
Тепа қўрғон устимда қир.
Мен қоядиму қўрғон кетди.

Бош чиқариб бир бор боқмай,
Кўнглим учун томоқ қоқмай,
Йўл бошлиғи менга ёқмай,
Легковойда меҳмон кетди.

«Оқ олтин»ни ташиш учун —
Қатнаш машин кеча-ю, кун,
Баланд-пастлик ишга гўтқун,
Зўрға-зўрға карвон кетди.

Устиға-уст ифлос ёним,
Ор этарман, бер виждоним,
Йўл бошлиғи қадрдоним
Сендан инсоф қачон кетди?

Ахлат тўқар шаҳар ташиб,
Кетди колхоз ҳаддан ошиб,
Босиб ўтди раҳбар шошиб,
Шу йўл билан район кетди.

Ким ачингай шундай ётсам,
Ез чанг, қишда лойга ботсам,
Орқасидан мен гап отсам,
Қиммат гапим арзон кетди.

Колхоз дегай: «Биз қилмаймиз»,
Район дегай: «Биз жилмаймиз»,
Айб кимда-ю? Биз билмаймиз,
Фармон келди, фармон кетди.

Қўқон шаҳри катта юртдир,
Қамчиллиги бўлса, бўртдир.
«Муштум» тоға, кузим тўртдир,
Ўшитсамки, Қўқон кетди.

ЭКИШ КОМПАНИЯСИГА БАҒИШЛАНГАН У-БУ БАҲОНА

**Қўлидан учса қуш қув-қув баҳона,
Қулоқ динг бўлмаса ғув-ғув баҳона,
Муҳим иш битмаса уйқу баҳона,
Ҳали об ҳавою, сув баҳона,
Ҳали сувдан кечиб у-бу баҳона.**

**Тухумнинг гишга ур аввал нишини,
Ишингни ёзидан билгил қишини,
Билур ҳар ким ишидан қилмишини,
Ҳунарсиз ишда йўқ инжиқ кишини,
Боши ўрнашмаса парқу баҳона.**

**Баҳор ўтмоқда, саз ишдан асар йўқ,
Ким айди вақт ўтар, майли зарар йўқ,
Қимирлаб қир ошар эрга хатар йўқ,
Деганлар сояпарларда камар йўқ,
Юраксизларга минг ҳайҳў баҳона.**

**Бекор кун ўтса, кун ҳам дод деб ўтгай,
Бу инсонга ёмон иснод деб ўтгай,
Бир иш дўндирмаса, фарёд деб ўтгай,
Баҳорги ваъдалар барбод деб ўтгай,
Кузак келса қуруқ қайғу баҳона.**

**Захи ортса ўшал ерни босар шўр,
Нўноқ сувчин қаранг, гажрибаси ғўр.**

Текис пол қўллаган ён бағри тўр-тўр,
Ёрилган ерда ҳосил тақдири шўр,
Бўлолмайди яна ушбу баҳона.

Ҳануз шайланмаган қанча трактор,
Брак муҳри босилганча трактор,
Сеялка занг босиб анча трактор,
Ётар жойларда чалқанча трактор,
Кераксиз винт учун тинтув баҳона.

Оқар сув олдида кўлмак на даркор,
Муғамбир уйқуга хуррак на даркор,
Қуруқ сўздан қуруқ истак на даркор,
Мудом гап мажлисин қурмак на даркор,
Наво соз бўлмаса чолғу баҳона.

1960

БУГУНГИ ҲАПАЛАҚ

(Махмур ва Муқимий ғазалига жавоб)

Э зафардори замон, кавкабаи авжи фалак,
Не саодатки, муяссар ҳама орзу ва гилак,
У кун иқболи забун зах еру бағри чакалак,
Бу кун ободу гўзал, боғу гулистон Ҳапалак,
Суви серобу сўлим, оби ҳаётдан бу дарак.

Бари йўқлиққа сафар айлади нафс бандалари,
Бу кун эл марду баҳодир, дилида хандалари,
Далада меҳнатини куйлади чирмандалари,
Кўпайиб сони, сифатли ҳама паррандалари,
Товуғу ғоз ила ўрдак, жўжалардир лак-лак.

Чўғзи вайронаси йўқ, барча бино хушманзар,
Йўли асфальту чарогон, қочибон эчкизмар,
Чойлари пилта қайнаб, оши газ бирла пишар,
Телевизорида бутун оламу одам кўринар,
Келади ларзага ер халқ шимарганда биллак.

Ишсиз, оч ўтса у кун, марду зан иссиқдан куйиб,
Егай инсон бу замон ёғ ила яжманни тўйиб,
Ҳар адим соя берар бизга бу дам, меҳр қўйиб,
Энди ким ер ажриқ илдинини кўнгли суйиб,
Палови канда эмас, йўқ ўша ёвғон сумалак.

Кўрпача тагда, қамлш бошларида бўлса у вақт,
Боши парқуда бугун, остида юмшоқ каравот,

Бари қишлоғу шаҳарда маданий завқи ҳаёт,
Уйи Ильич нуридан нурга тўлиб, йўқ зулумот,
Инига қочди кўриб бахт нурини кўршапалак.

Ҳамма уй қошида ун, супрада оқ ун ҳамири,
Шу ҳамирдан ясалур кун ора ёғлиқ патири,
Она меҳмонга борур сочида қизнинг атири,
Онанинг ҳурмати, қиз меҳри бу шеърим сагири,
Ярашур бандида вазни сира бўлмаё камалак.

Талаву Бешкапа, Рапқон¹ сув учун жанжали йўқ,
Эски кетмону омоч бирла чувуқ замбари йўқ,
Машина бирла экин ҳосили мўл, мужмали йўқ,
Юриб эшакда мудом, икки оёғи шали йўқ.
Бирида «Волга», бири «Зим»да не парвойи палак,

Чиксалар пайров учун аҳли қаламдин не ажаб,
То бу назм етса камолига қарамдин не ажаб,
Тўлса шоядки камин, лутфин рақамдин не ажаб,
Яна бош етса фалак сори бу дамдин не ажаб,
Шулчир эй Чархид, ҳаё! Танний бахт дондак.

1960

¹ Бешарияқ атрофидаги қишлоқлар номи..

ҲАСРАТДА ДОҒМАН

(Иўл ва кўприклар хиргойяси)

Бошлиқларимга арз этайин, кўп чатоқман,
Иўқ-йўқ чатоқ эмасману лою булоқман,
Куйди димоғим ўзларидан бе димоғман,
Минг айб ўзимга тўнкасалар, вақти чоғман,
Чунки, хато ким устида мен ҳам ушоқман.
Кўрсат мурувватингни, бугун пўсти қоқман.

Бағдод, Бувайда, кел бери Урганж, йўлимга боқ,
Олтиариқ йўлин сифати мenden қам чатоқ,
Баъзи еримда янтоқ униб, бости кўп қиёқ,
Хуллас, чиройли йўллараго мен шикаста, қоқ,
Тошим кўчиб, қумли тўфаланг тумтароқман,
Битмас баҳона, радду бадалларга доғман.

Юкларб машина ичра «оқ олтип»ни эл ўтар,
Карвон ўтар ахир, дили ранжиб хижил ўтар,
Кўприк, ариқ йўлини бузиб йилда, сел ўтар,
Гап қуш каби ҳавога учиб ою йил ўтар,
Деманг жафога жуфту вафо бўлса тоқман,
Ким ваъдага вафо этар, унга иноқман.

Ҳар кун бошимда гурса ёрилларб машиналар,
Дўқ қилган азобига ранжийди сийналар,
Токай гузалмас эди бу дарди ҳариналар,
Андиша бас, кўнгилни босиб кўб қариналар,

Тинкам қуриб, сусайди таним, кар қулоқман,
Турсам сўпоқ масалга, ўтирсам ўпоқман.

Пункт сари борар киши ҳайфо, деб ўтдилар,
Ёз ўтса ҳам тузалмади оббо, деб ўтдилар,
Бу айб эмасму? Ҳамма шалаббо, деб ўтдилар,
Гўё чигал, бурунги муаммо, деб ўтдилар,
Ё мен чувуқ ғазалману ишкар туроқман.
Мазмун йўқ ичкаримда, гаши ялтироқман.

Пешонага ёзилмади совхоз ёғочидан,
Цемент, қувур, беш ўнга терак, қайрағочидан,
Ёки: металл тўсин эса бас, тўрт қулочидан,
Бизга ҳамон насиба шу ваъда умочидан,
Беш боғ хашакни гортса, қаранг, бир
қучоқман,
Ўтманг қоронғу кечада гўлку тўзоқман

тўққиз оғайни кўприк иши оҳу воҳдадур,
Мен Бешариқда, ҳар кўни Найман наволадур,
Қўмқишлоқ ичра бештаси рози ризодадур
Бешариқ ичра бештаси рози ризодадур
дер алкаголь киши ганидек қалтироқман,
Йўқ устихон, тешик бадану, шал оёқман.

Не-не баҳона тўплари келди, илолмадим,
Асфальт кўчалар каби силлиқ бўлолмадим,
Бир йўл бош узра тошим уриб улгуролмадим,
Кўп йўлни бир ёзиб сира мажлис қурулмадим,
Хизматга хўб яқинману, илождан йироқман,
Айбим шудурки: марказий йўлдан узоқман.

ЧЎЗИЛДИ

(Бир клуб қурилиши ҳақида)

Афсуски, баъзи ишлар битмай, чунон чўзилди,
Етдим деганда гўё, мунча давон чўзилди,
Фойда томонни тортиб, қурғур зиён чўзилди,
Дилда ғазаблар ортди, сўнгра баён чўзилди.
Танда асаб кучайди, ҳайратда жон чўзилди.

Пастга уришдан эрмас ҳовлиқмалар ривожин,
Аввал қурувчиларнинг битказсин эҳтиёжин,
Айлантириб совуққа қўймасдан иш мижозин,
Ҳар бир қийинчиликни мумкин топиш иложин,
Битган томон-ку майли, битмас томон чўзилди.

Техник, хайриятким, жой олди, мушкул иш йўқ,
Пойтеша дам олибди, ойлаб ёғоч чопиш йўқ,
Уй томларин хашаклаб бордон билан ёпиш йўқ,
Энди демайди ҳеч ким бир нарсани топиш йўқ,
Синчи битай деб эрди, келмай ховон чўзилди.

Бу муҳташам иморат — минглаб киши сигар жой,
Қишларда қору ёмғир оқса, суви бўлиб сой,
Йиллаб увиб ёғочлар, гиштар ётар босиб лой,
Ёлғон десам масал бор тутганда бир илиқ чой,
Уч кундан ошса меҳмон дерлар: «ёмон чўзилди».

Хом ваъда устидан ҳам кўп сув қуйиб юварлар.
Юз жойни қамраб олиб, пул кетидан қуварлар,

**Аммо амалда иш йўқ, гап ғўзасин чуварлар,
Уста шувоқчи янглиғ андавалаб шуварлар,
У лой кўпайса ҳам денг, бу лой сомон чўзилди.**

**Ёмғирни сози ерга эрта баҳор ёғибди,
Дерларки, қолган ишга, албагта, қор ёғибди,
Зал томига эмас қор, лекин қарор ёғибди,
Мажлисда зар қадалгав сўздан қанор ёғибди,
Пуч ваъдалар оғизга сигмай забон чўзилди.**

**Кўнгил, ажаб эмаским, бу сўзга гўлса шояд,
Живрашдан анча тинчиб, гапдан қутулса шояд,
Дўст аччигига дўстлар ихлоси бўлса шояд,
Тахирга гушмай ишлар соз бўлса, кулса шояд,
Шунда демасмиз асло: «Бу дoston чўзилди».**

1961

ҚОЛДИМУ

(Бир мунофиқ дуохон шаънига айтилган ҳажв)

Халқдан сен кўрмаган текин зиёфат қолдимۇ,
Халққа сен кўрсатмаган, найранг, хиёнат қолдимۇ,
Қилмаган умрингда ҳеч кори касофат қолдимۇ,
Шумқадам, сендин бўлак тухими фалокат қолдимۇ,
Айтгин, элдин ортиб, ўзинга шафоат қолдимۇ.

Борми инсофинг ахир, шармандалар шармандаси,
Бир хотиннинг устига иккинчи хотин бандаси,
Юзми ё читгарнинг эски чармлик чирмандаси,
Дилми ё тошдан ясалган усталар кажрандаси,
Қилмаган инсонга исноду ҳақорат қолдимۇ.

Баъзи мухлиснинг олурсан хилват ичра юбини,
«Уҳ» деса, ҳар дам кушойишга жўярсан хобини,
Сўрса фатво, хўрсиниб тортиб нафас қуллобини,
«Шаффатул мешч» китобингдан ўқиб бир бобини,
Йўл очиб берган жиноятга ривоят қолдимۇ.

Фисқ ила номинг чиқардинг, халқаро машҳурладинг,
Ис топиб, ўргамчидек ҳар ким уйда гўрладинг,
Содда дилларни илинтирдинг, уни мажбурладинг,
Еш гўдаклар ҳолига раҳм этмайин, кўп хўрладинг,
Бу жафокаш икки хотинда қаловат қолдимۇ.

Ҳамма ҳам меҳмон учун юпганда дастурхон ёзар,
Лекин ҳар турли балохўрдан дегаймиз: «алҳазар»,

Ош бошида битта чаққон, тўй бошида бир заҳар,
Кўрсатиб сендекни дерлар «тақсирим—кимё назар»,
Сен каби кимё назарларда фаросат қолдиму.

Тушса ким домингга, юз макр ила тадбир айладинг,
Қўл қовуштирдинг, пулин олгунча «тақсир» айладинг,
Йиғса дастурхон бироқ, сен муячча таъхир айладинг,
То қоқилган безгача халтангга хинжир айладинг,
Нафс учун ишлатмаган сенда каромат қолдиму.



Қоч йироққа, тоза кўнгилларга ҳеч келма яқин,
Машраб айтган: элни алдар шайху сўфи нақши — сен,
Бир кун тугтай томоғингдан бўғиб ҳар бир гийин,
Судрагай гурли балоларга, бўлиб қолини қийин,
Бил, юзини кўрмакка бизда, тобу тоқат қолдиму.

Тингласангчи, бир ўқиб шеърим, қулоғи томлар,
Ҳайф сенга одамият ҳисси, садқан номлар.
Қулф бузиб урганда ўғри ё тешиб бир томлар,
Сен ўтирган жойда олдинг хоҳ пишиқ, хоҳ хомлар,
Сенга шoir ёзмаган ҳажвий иборат қолдиму.

27.X—61 йил.

ЧАНДИРМАН

Эшитинг дўстлар, ҳар ҳолда мен юмшоқ чандирман,
Ёмонларнинг танига тўлдириб тўлғоқ, чандирман.

Ҳалол чандишнинг унча айби йўқдир, ҳамма ҳам чандир,
Демасман ҳаммадан устун туриб, тезроқ чандирман.

Замир оҳанги назик, шеър ғаряздан ҳошироқ бўлсин...
Айсанаг бирла ким ўйнар эса, жуфт-тоқ чандирман.

Эшитдим баъзи шоир ялласин, эл ранжиб айтармин...
— Ҳа, шунинг учун ҳам...

Тянь-Шань тоғининг сакратмаси вазнига салламно,
Қизилқум чўлидек ундирмагил қумғоқ чандирман.

Таранг-тоз шеърлар сарлавҳасин кўрдим, бураб радио,
Тегар-тегмас қўлим, бир дўппича тўзғоқ чандирман.

Ҳап ўтмасларга ўтмас сўз десанг ор этмайин айтур:
— Пичоқнинг бети қайтар, болта ўтмас қоқ чандирман.

Сўз олмосини мазмун дер, чуқур шеър бўлса ким олмас,
Юрак гуйгуларимни этсангиз чўлтоқ чандирман.

Қиёмин еткуролмасдан гапиргандан гап урган кўп,
Эсиз зарҳал қаламлар, садқан авроқ, чандирман.

Куруқ гапларни сотгунча, қўриқ ерларни боғ этсин,
Текин боғ олмасин еб, қоқмасин ёнғоқ чандирман.

Ишимда моқи қатлатмай, гериб ип лосини ҳар дам,
Уриб дастғоҳни маҳкам, қўл қилиб арқоқ чандирман.

Бекитмоқ бирла шеърим битта куй остига вақтим чоқ,
Агар куй кетса, шеърим, қоқу валқайроқ чандирман.

На вазну на латофат, шеърини номига бу тухмат,
Утилсирёга топширмоқ учун илҳоқ чандирман.

Сотилган бу қўшиқлар энг лаҳим гўшт ўрнида пулга,
Дегай у, қўлга осанг қоқ суяк, ярғоқ, чандирман,

Дилим равшан қилиб, буткул элу юрт номидан айтдим,
Ҳақиқатни дейишга мен эмас қўрқоқ, чандирман.

1962

КАМ БЎЛМАНГ

Қадрдон пахтакор ўртоқларим, дунёда кам
бўлманг,
«Оқ олтин» ҳосили жам бўлмагунча кўнгли жам
бўлманг,
Ҳашам меҳнатда бўлсин, ваъдадан ҳеч серҳашам
бўлманг,
Хотин қизлар теримда, уйда эркаклар ғарам
бўлманг,
Олишан норма юзга етмайин, юзларда нам
бўлманг.

Аорак майдонда жуш урганда, мардлар қалби чўғ
бўлғай,
Буюк минбардаги сўзлар каби ҳиммат улғу
бўлғай,
Ким айди, тухфасиз она-Ватанга қўл қуруқ
бўлғай,
Қасам урмай, планлар тўлса, шунда юз ёруғ
бўлғай,
Дам ўтказманг, ғанимат ушбу фурсатларда дам
бўлманг.

Десам бултурги нобудгарчиликлар баъзи
жойларда,
Терилмай вақтида, шўрлик кўсаклар қолди
лойларда,

Ариқда, ерда тупроқ остида, йўлда, саройларда,
Грамм ҳам пахтамыз ҳеч оқмасин сувларда,
сойларда,
Укам, сиз маслаҳат берганда, ҳовлиқма акам
бўлманг!

Жамоат фойдасиня сўзласанг, доно гаранглар бор,
Олифта, сирти силлиқ, сўзлари бурро таранглар
бор,
Этаксиз пахта терган сояпар, салқин сатанглар
бор,
Ҳамиша ишда ялқов, айшу ишратда башанглар
бор,
Теримда жон ука, сиз ҳовлипо, инжиқ холам
бўлманг!

Етилган тола гавҳар бахтимиз, иқболимиз пахта,
Мусаффо қалбимиз, виждону истиқболимиз пахта,
Улуғ неъматки, дастурхонда қанду болимиз
пахта.
Ватаннинг зийнати, ҳуснига қўйган холимиз
пахта,
Биларсиз биздан ортиқ пахтани сиз, асти кам
бўлманг!

1962

ҚУҚОН ЛОИИ

Қимда қасдинг бор Қўқонда, ҳой лой,
Олти ой чанг бўлса, олти ой лой.

Йўқми имкон? Тош ташиб тўкса шағал
Ёғса ёмғир, қор эриб сой-сой лой.

Қууча нам торимай турган қасдиқим,
Илҳи бўлғай эрди, бўлмай жой лой.

Хўл ботизка остидан келган сазо,
Қўқонда, қўқонда, қўқонда...

Бир бола лойдан ўтай, деб сакради,
Сип-силлиқликдан туролмас пой, лой.

Бир бола лойдан ўтай, деб сакради,
Ўшди қўлдан бўлди нону чой лой.

Қолган ишга қор ёғар, деб бор мақол,
Сўнгги йил келганда дер бой бой лой.

Чархий, ким кўrsa Муқимий кўчасин,
Дерлар, аҳволингга юз минг вой лой.

1962

ЧОЙХҲУРЛАР ШИКОЯТИ

Сиз чойхона бобидан гапирманг,
Ободу харобидан гапирманг,
Ўрнида шаробидан гапирманг,
Шашлик, майи нобидан гапирманг,
Халққа нега мунча ноз қилишди,
Гўёки, уларча «соз қилишди».

Ҳар бир одимингда пивоҳона,
Йўлда, скамейкада тарона,
Дийдор ғанимат, ичиш баҳона,
Жумбоқми бу иш ва ё фасона!
Яллони дуру дароз қилишди.
Гоҳ жаннат, гоҳ ароз қилишди.

Ҳайрон қоласан бу баъзи ишга,
Осон бузишу қийин гузишга,
Кўп ваъдани ёзи ўтди қишга,
Андиша кўпайди сўз дейишга,
Ҳар чеккада эътироз қилишди,
Кўпини ичириб, хўроз қилишди.

Ешлар ичишиб, сафо қилишса,
Мастликка мубтало қилишса,
Чойхўрлар учун жафо қилишса,
Ҳар кимга «ичиш раво» қилишса,

Енгил қарашиб саёз қилишди,
Ичгучини сарфароз қилишди.

Бас энди ароз, дароз пичинглар,
Мушкул бу чигални тез ечинглар,
Халқ бўйига мос тўн бичинглар,
Чархийнинг «гуноҳи»ни кечинглар,
Ҳар ерда сўзу гудоз қилишди.
Шеърлар тўқишиб баёз қилишди.

1962

ШАРМАНДАЛАР ҚИЛДИНГ

Юзингни кўрсатиб, эй бода, аввал бандалар қилдинг,
Кейин ичмай туриб юз ноз бирла ишвалар қилдинг,
Фироқингда гоҳи юз ўлдириб, гоҳ зиндалар қилдинг,
Висолинг заҳридан нўш айласам, сен ғамзалар қилдинг.
Қисиб кўз, ўйнатиб қошингни, не-не жилвалар қилдинг.

Сенинг макринг тушиб ёдимга, гингшийман тонг отгунча,
Сенинг нўшу нишиндан тортмадим кулфатлар озмунча,
Тутар икки қўлим маҳкам гирибонингдан ўлгунча,
Суякка эт ёпишди, алвидо, паймона тўлгунча,
Танимни мунча жулдур, бебақо дарпардалар қилдинг.

Менга айтган эди дўстлар: кўнгил берма у айёра,
Қаландардек осиб бўйнингга хуржун, қилгай овора,
Отингга тескари миндириб, юзга сурар қора,
Нетай энди, кетиб обрўларим, халқ ичра тобора,
Каваклаб жисму жоним, бағрими парвардалар қилдинг.

Онам ёлборса, душман, оилам арз этса, қар бўлдим,
Биров қилса насиҳат, ор этиб ундан батар бўлдим,
Бузилди ошқозон, ўт ишламай шишган жигар бўлдим,
Қўзиб «похмел»нинг дарди, уйқу қочди, дарбадар бўлдим,
Яна нонушта пайти эснатиб, кўп нағмалар қилдинг.

Деб эрдини кеча-кундуз мен сенинг жонини бўлурман деб,
На қилдинг?! Кетти дармон, гандаги қонини бўлурман деб.



**Шилитирдинг тамом боримни, меҳмонинг бўлурман деб,
Йўлиқтирдинг давосиз дардга дармонинг бўлурман деб,
То ўлжам оларди хотирдан кўп рандалар қилдинг**

**Ароқ деб ёпишурман гоҳи баққол, гоҳи қассобга,
Кетиб номусу орим, келмадим ҳаргиз бир инсофга,
«Самогон» номинг ўчсин, қўшилнб ёнингда «зубровка»,
Ўзинг умримга зомин, эй бало тўфони—«перцовка»,
Қувнб ишдан ахири, эл аро шармандалар қилдинг.**

1962

БУ ДАМИНГДАН ҲУШАРСАН

Этсанг ҳалол меҳнат, бахту зафар ҳушарсан,
Боғлаб қанои ўзингга, кўклар сари учарсан,
Қўйсанг қадамни эгри, соянгдан ҳам чўчарсан,
Мансабни пеша қилсанг, қилвир эсанг кўчарсан,
Шишарсану пишарсан, бу дамингдан ҳушарсан.

Эл молидан ўғирлаб, гуз ташлама ошингга,
Урма ҳаром қўлингга ҳар бир грамм гошингга,
Ишингга ҳалқ боқар, бил, боқмас сенинг ёшингга,
Етгай ахийри бир кун, бу қилмишинг бошингга,
Шишарсану пишарсан, бу дамингдан ҳушарсан.

Юқдирмагил маразни пок элга зиндалакдек,
Тим-тирс баданда турма, ёрилмаган пуфакдек,
Бўлдинг заргарга бурро фойдангга гунгалакдек,
Токай кўпчиб юрарсан сув ҳўплаган кўсакдек,
Шишарсану пишарсан, бу дамингдан ҳушарсан.

Кетгунча бир амаллаб очдинг, гарона гуздинг,
Қибрингга шоти боғлаб, юз минг поғона гуздинг,
Номингга ҳар гомондан қасру нишона гуздинг,
Келгунча бу текинлар не не баҳона гуздинг,
Шишарсану пишарсан, бу дамингдан ҳушарсан.

Инсофли элга боққин, шуҳратда номдор у,
Фароғатда яшайди, ҳурмат-ла барқарор у,

Инсофи йўқ ахийри, шарманда-шармисор у,
Ҳар қинғир ишнинг сўнгги кулфат аро дучор у,
Шишарсану пишарсан, бу дамнингдан гушарсан.

Инсонда тоза виждон, номусу ор эмасму?
Внждонсиз эл ичинда безътибор эмасму?
Бир лаҳза роҳат истаб, йил беқарор эмасму?
Қитмирлик этма, бир кун сир ошкор эмасму?
Шишарсану пишарсан, бу дамнингдан тушарсан.

1962

МАЗАРАНИНГ САРГУЗАШТИ

Мени сўрасангиз, биродар, азали сатанг-сатангман,
Илиниб қуруқ пиликка, кўп аламга кўндалангман,
Чириган заҳарли токман, ўша эски катта зангман,
Мендан жирканиб қочарлар, бунга кўп саранг-сарангман,
Сиқилар юрак шунинг-чун, Маназар тажанг-тажангман.

Қарамай ичиб ароқни, бағри нил бўлибман,
Туяман, десам туярлар, назаримда фил бўлибман.
Қатта бир жиноят ишга, кайф ила кафил бўлибман,
Қўшилиб ёмонга, аттанг нега, мунча шил бўлибман,
Элтиб бу майпарастлик, фалажу гаранг-гарангман.

Кишилар сира ишонмас, эшитиб туриб сўзимга,
Тиклиб кўзим бисоту, икки қўй ила қўзимга,
Баряни ичиб совурдим, қарамай баҳор, кузимга,
Майи қурғур ишва қилди, йўлиқиб ҳамон кўзимга,
Нафас ила нафс икковин бирикиб, наҳанг-наҳангман.

Ҳали унда-бунда қолиб, тўшагим сомён бўлибди,
Кўзим очсам, уй эмас, у чакалак макён бўлибди,
Хотинимга бир кишидан хабари аён бўлибди,
Эшитиб, онам кетидан қамма бағри қон бўлибди,
Менга берма ҳаргиз озор, дедилар онанг-онангман.

Неча дўстларим давоси юрагимга таъсир ўтди,
Қўпориб ёмон ярамни, таги томирин қуритди,
Уша жирканч эски одат бариси йўқолди-кетди,
Жуда қаттиқ аҳд қилдим, кучим ўз-ўзимга етди,
Уша ичмаганча ичмай, тузалган аканг-акангман.

БАД ҚИЛДИМ, ХАТО ҚИЛДИМ

(Бир мансабпараст, ишдан ҳайдалган техникхўр қилмишларига
пушаймон бирла бу ғазални ўқиди)

Аё дўстлар, бугун зинҳор бад қилдим, хато
қилдим.
Ҳама айбимга мен иқрор, бад қилдим, хато
қилдим,
Эсиз, мансабда чоғим патхалимлар бирла
хилватда,
Қилардим кўп бузуқ кирдор, бад қилдим, хато
қилдим.
Ёмонга ёндошиб ён бердим, афсус, кулфати етди.
Қозондек қоп-қаро дийдор, бад қилдим, хато
қилдим.
Керилдим, кибр қилдим, менсимасдан камтар
одамни,
Берардим ўлгудек озор, бад қилдим, хато қилдим.
Менга бир кимса ҳурматлаб салом берганда
боқмасдан,
Қилардим ҳурматин кўп хор, бад қилдим, хато
қилдим.
Неча савлат сотувчи мағзи пучларга тегиб сон
денг,
Биқинда эрдилар тайёр, бад қилдим, хато қилдим.
Пару болимга сув пуркаб, кўтардилар чунон
кўкка,
Қанотим ҳўл бўлиб бекор, бад қилдим, хато
қилдим.
Ишимнинг ёғига ҳўп боқдилар, бу ёғига боқмай,

Ана улфат, ана дилдор, бад қилдим, хато қилдим,
 Ҳузуримдан бири кетса, бири кўнглимни
 овларди,
 Келиб неча «пари рухсор» бад қилдим, хато
 қилдим.
 Биров арз ила келса, бир баҳона бирла
 қайтардим.
 Ялинса: мен дедим бор-бор, бад қилдим, хато
 қилдим.
 Итимга мен дедим: ит қуйруғига деб. масал
 борким,
 Ишимни урди хўп «жаббор», бад қилдим, хато
 қилдим.
 Бироқ қилмишларимни халқ ўзи ҳукми-ла фош
 этгач,
 Бузулди афт ила ангор, бад қилдим, хато
 қилдим.
 Мугайдим ҳам бўлиб қаддим, қолипдан кўчди
 гиштим ҳам,
 Келиб бахтим, қилдим, бахтим, бад қилдим, хато
 қилдим.
 Бошимни гангитиб, маст этдилар, паст этдилар
 охир,
 Наҳанг нафси лаганбардор, бад қилдим, хато
 қилдим.
 Текин деб, тегди кулфат тоши, дилда юз
 пушаймоним,
 Улай бўлмай ҳаром пулдор, бад қилдим, хато
 қилдим.
 Қаёндан келди бу пул, шул томонга оқди-ю
 кетди,
 Қуриб қолди оқар анҳор, бад қилдим, хато
 қилдим.
 Кўриб бу ҳолатимни дўсту душман алҳазар
 дерлар,

Қочиб мендан ҳама безор, бад қилдим, хато
қилдим.
Адашдим гўғри йўлдан, бошлангиз дўстлар буғун
йўлга,
Сабабчи бир гала айёр, бад қилдим, хато
қилдим.
Ҳалол меҳнат-ла энди ўтқарай қолган бу
умримни,
Ула-ўлгунча мен такрор бад қилдим, хато
қилдим.

1963

К Е Л У Р

(Горсобес инспекторига)

Бир муҳим ишда идорангизга кўп одам келур,
Бир аламдан ё паришон, ёки хотиржам келур,
Баъзисин, мажруҳ оёғи, баъзиси бардам келур,
Инвалид карлардан ўзга соғ кишилар кам келур.

Кўкни мерожни кабидур сизга бизнинг эътиқод.
Бегараз бир дўстингиз биз, меҳримиз сиздан зиёд,
Бир гапимни сизга ўқтирмакчиман бундан муново
Сиз агарда келмасангиз, қайси бир ҳотам келур.

Сиз бу ерда мушкул осон, келса сизга қайси зот,
Кўр эса йўл кўрсатурсиз, қарга қаллал мушкулот,
Яъни нозик йўлдасиз, бу йўлни айланг эҳтиёт,
Ёки бу мансаб учунми? Отни соту, молни сот!
Сал тойилса, шодлик ўрнига дарду-ғам келур.

Гоҳи хуш бошимда, гоҳи шишанинг у-бусидек,
Ҳолатим кайфи баланд, мажнуи киши кулгусидек,
Ўз-ўзимдан сўзланурман ким қаландар ҳусидек,
Кўчадин қар кун ўтарман бўзчинини моқкусидек,
Шукурким, қар бир йўлимда бахт бир олам келур,

Сизга ғустохона арзу, илтимосим бу турур,
Дўстлик расмидаги ихлосу хосим бу турур,
Ҳимматим назмим сиза кимхобу, тосим бу турур,
Бир тўқувчи ўғлидирман, ихтисосим бу турур.
Чархийдек бир дўстингиз оламга камдан-кам келур.

15 апрель, 1963 йил

Н Е Т А Й

(Қаровсиз қолғап чорва молларининг ферма мудирлари
устидан шикоят)

Чорва мудир қиёси йўқ, боқмаса боқмасин
нетай,
Ваъдасига вафоси йўқ, боқмаса боқмасин
истай.

Езда яланг ҳаводамиз чиллапа кўп наводамиз,
Бу наводанимиз йўқ, боқмаса боқмасин нетай.

Игнача бир тешик эса, дер туядек совуқ ўтар.
Туйнугин интихоси йўқ, боқмаса боқмасин нетай.



Битта оғилда қирқ тешик, илма-тешик бори эшик,
Қишда иссиқ ҳавоси йўқ, боқмаса боқмасин
нетай.

Қийшайишиб у ён ўтар, илжайишиб бу ён ўтар,
Қўз оқи бор, қароси йўқ, боқмаса боқмасин
нетай.

Ёғ ила гўшти индамай, оқ сутимизнинг
ҳурматин,
Оқлаш учун ризоси йўқ, боқмаса боқмасин
нетай.

Бир-биримиз ияклашиб, сув ичамиз кўмаклашиб,
Бизга тузук биноси йўқ, боқмаса боқмасин
нетай.

Бизга ему силос қани? Бир хил алаф емак билан
Нечамиз иштаҳоси йўқ, боқмаса боқмасин
нетай.

Ростига юрмаса киши, ваъдага бўлмаса вафо,
Ушбу касал давоси йўқ, боқмаса боқмасин нетай.

Ҳар гараф ўт, пичан, алаф, ўр мени деб, турар
қараб,
Ўргали ё асоси йўқ, боқмаса боқмасин нетай.

Битган ишинг жилоси бор, битмаса бир балоси бор,
Дема казо-казоси йўқ, боқмаса боқмасин
нетай.

1963

УЧРАТДИМ

З а в р а й п о:

Тушимда дўстлар ўз гавдами дарёда учратдим,
Аёғим тепада, бош пастда, бир яйловда учратдим,
Гирибонимдан ушлаб, бир кишин гавғода

учрагдим,

Бўялган минг ун дўстларини шу аспода учратдим.
Ўзим уйда десам, бир манзилни расвода учратдим.

Б у в р а з з о в .

менинг ҳам бир гала қўй, эчки атрофим ўраб
келди.

Сузиб мол шохи-ла бир-икки қорнимни бураб
келди.

Менинг номимни ким ордерга ёзган, деб сўраб
келди,

Топиб бер деб онамни, кўп бўзаклар ҳўнграб
келди,

Ўзимнинг қилмишимни бу ёруғ дунёда учратдим.

К а с с и р:

Кеча хобимда учраб қалбаки қужжатларим
қувди

План деб кўз бўябман буйруғим, рухсатларим
қувди.

Бировга айлаган ножўя кўп туҳматларим қувди,
Аканг ботир деганлар қочди-ю, улфатларим қувди,
Ажаб икки қўлимни тўймаган ҳалвода учратдим.

З а в р а й п о:

Кўриб туш, қўрққанимдан бошга кўрпамни ёпиб
олдим,
Қаёндан ҳам саводсиз содда бир қассоб топиб
олдим,
У гўшт чопганда, мен фойда кетидан хўб чопиб
олдим,
Қўлингни қўй, агар қўл қўймасанг деб, кўп қошиб
олдим,
Чўчиб турсам, ўзимни хайрият РайПОда учратдим.

1963

ИЛТИМОС

Иил бошидан бошланур, ҳар кимда ҳам бор илтимос,
Тавба қилдим тушмагай, бошимга зинҳор илтимос.
Айб эмас бир ҳожатин, ҳал айламак-чун ёлбориб,
Кимга кимдир айлагай бир ишда ночор илтимос.
Хоҳ пиёда, хоҳи от сур, хоҳи бўл фарзин сувор,
Дарҳақиқат, кишти мот вақтида даркор илтимос.
Баъзи бир андишалик одамга юз ғам кўндаланг,
Юз хижолат, минг машаққатлар суриб, илтимос,
Илтимосингни қабул этгувчига осон эмас,
Куйдириб, қул айлар эмин. баъзи айёр илтимос.
Мен бировдан сўрсам, у аста қўлогимга лачин
Дарҳақиқат, қўлдан кўндаланг, илтимос,
Ранг-барангми, илтимос навий десам, айтди қулиб,
Гоҳи пушти, гоҳи сафсар, гоҳи зангор илтимос.
Танда титроқ, бошда хуш йўқ. ёлборурсан, йўқ жавоб,
Шунда бўлгай, соғ кириб, қайтишда бемор илтимос.
Гоҳи-гоҳи илтимос деб, ажрадик кўп дўстдан,
Дўстнинг дўстдан ажратишда бўлди ағёр илтимос.
Айтинг-айтинг мард киши номарда арзи тушмагай,
Мушкулинг ҳал бўлгучи даргоҳда кўп хор илтимос.
Чархласанг ҳам бебизоат сўзи кесмайдур дема,
Кесгувчи, қулдиргувчи, ундиргувчи, бор илтимос.

ЁТИБ ОЛДИМ

(Бир бепарво қолоқ ранс тилидан)

Мен пландаи тўшак солиб ётиб олдим,
Туш кўрибман, шул сабабдан қотиб олдим.
Иш қолди-ю, ишрат майин сотиб олдим,
Турай дейман, уйқудан кўз қиёлмайман.

Беш юз эллик гектар ерим чопиқ бўлмай,
Культивация қилолмадим, кўнглим гўлмай,
Кўндалангу узунига ишлов бермай,
Шу ётганча бир минут ҳам жиололмайман.

Гўза қатор оралари ишловсиздир,
Боз ўстига ўтлар босиб, қаровсиздир,
Ҳашаротлар ҳашар билан жиловсиздир,
Илиб-илиб олай дейман, ололмайман.

Культиватор ишламаса, ер юшамас,
Ишлатардим аммо менда бўлса ҳавас,
Трактор бор, лекин улов ҳеч етишмас,
Эплай дейман, ишнинг кўзин биллолмайман.

Ору номус кимда йўқдир, ор этмагай,
Имкон бору, шу борлиқни бор этмагай,
Юз минг танқид менга ҳаргиз кор этмагай,
Шул сабабдан ётиб олдим, туролмайман.

БИР ҚЎПРИК НИДОСИ

Кимга арз этиб йиглай, мен каминажон кўприк.
Тобакай ётай бундай, зору нотагон кўприк.
Халқ ғамим егай, аммо мен этимни еб қўйдим,
Ким учун керакдурман, кимга мен товон кўприк.
Бир раис тузатмасдан, охири у ҳам кегди,
Унга ер гувоҳ бўлса, менга осмон кўприк.
Сўнгра бир раис бўлди, у хаёл суриб ўтди,
Фойда йўк тузатмасдан, бозин деб пиён кўприк.
У акам ҳам иш даври фойда еткуролмасдан,
Кетдилар қиё боқмай, деб менга товон кўприк,
Урнига яна бошқа бўлдилар. Ўтиб йиллар
Уч йил ўтди, минг афсус, мен ҳануз гузалмайман,
Кайф ила биров дедими, бизни ҳам пиён кўприк.
Тоғни парчалаб, йўллар гушса, битса кўприклар,
Воажаб, менинг умрим бўлмасин хазон кўприк.
Тезда янгилансам деб, гоҳида қилиб орзу.
Гоҳ тўлиб кетар ўпкам, айлабон фиғон кўприк.
Ким меҳр қўйиб, бир чўп қўйса ҳиммати бирлан,
Мен ўшанга ўлгунча дилда меҳрибон кўприк.
Ҳоказо аянч ҳолим, кимга шарҳ ётай арзим,
Сансоларга тушганман, ҳолагим ёмон кўприк.

«МУШТУМ»ГА САЛОМ

«Муштум», о, салом! Сенга арз **этай**
Сени бўйнингга бунн қарз **этай**,
Масалан, хабар ила фарз **этай**,
Бу баҳонада арз-тарз **этай**,
Ғазалим аро ҳама жустижу,
Ҳажв ва ҳажв, ҳажв, ҳажв.

Қўп идорада маҳмадоналар,
На битар ишида нишоналар,
Кеккайиб, бўлакча тароналар,
Қўп поғонада қўп баҳоналар,
Бир оғиз сўз айтгучи бўлмайини,
Бабура-бабу, бабу, бабу.

Неча ошхона биридан-бири,
Ҳаммага аён миридан-сири,
Ана гўшти-ю, ана тандири,
Суягии демай, чакка чандири.
Уришиб кетиб пешана билан,
Чақира-чақу, чақу, чақу.

Олти ой бўлиб, бу «Қўқон қўли»
Сира битмади очилиб йўли,
Қани, «ҳа» деса Ёзёвон чўли,
Тикан ўрнидан очилур гули,
Амалий бир иш нега бедарак,
Ҳама ёқ гапу, гапу, гапу.

Неча ёш ўқувчилар аксари,
Онасин демай отасин пари,
Уйида кигоб ила дафтари,
Ўжувани билан ола каптари,
Бирини бири қувишиб мудом,
Вақира-вақу, вақу, вақу.

Катта чорсуда радио узел,
Ойда бир туззук, кунда бир бузил,
Тилагим шудир, яхшироқ тузил.
Ўргилай мастер, қилмагин ҳазил,
На ашула-ю на хабар бутун,
Вағиру-вағу, вағу, вағу.

Етди йилда бир мурчамиз аранг,
Битиб қолдию, ўту сувга танг,
Кирса кишилар эди хўб таранг,
Чиринлариди қўвирин қаранг,
Лабу лунжига ёпишиб ияк,
Какура-каку, каку, каку,

Ўқиб деданим дедим,
Аввало ширин суханим дедим,
Гоҳи ёлбориб, жияним дедим.
Битмади ишим, битганим дедим,
Баъзилар агар чидамасалар,
Ана хап-хапу, хапу, хапу.

ОҒИЗ КУЙДИРАР

Ҳалол бўлса одам, ишин дўндирар,
Мугамбир болага ўзин кўндирар,
Биров пахта бирлан қанор ўлдирар,
Қуруқ ваъда бирлан биров кун кўрар.
Билинг, меҳнат оши қорин гўйдирар.

Фаровон ҳаётдир юрак тўла дош,
Бугун ҳамма элга етарли маош,
Эса нархи қиммат, еманг шўрва, ош,
Уринг нафсингизга, олиб битта тош,
Бало-нася шўрва, текин ош—хатёр.

Дала бошида бор қозону ўчоқ.
Сўйиб эчки ё кўй семиз гўшту ёғ,
Қозон мой, чўмич мой десангиз, бироқ,
Қорин, ўпка, буйрак тугул, бунга боқ.
Туёғу оёғин аранг кўз кўрар.

Масал: ўпкалар ким қадрдонидан,
Билинг, яъни ортиқ кўрар жонидан,
Эсиз, кўп акамлар емас ёнидан,
Қаранг биргадирга, тушиб сонидан,
Қовурға, биқинлар бировга тегар.

Бухгалтеру кассир, раиқ еб кабоб,
Ҳисоб хуржун, аммо маишат шитоб,
Бўлиб дору-дармон ҳисобу китоб,
Ошиб кайф, ишга ўшал кун жавоб.
На ундан хабар бор, на бундан асар,
Бу хил иссиқ овқат оғиз куйдирар.

ДУМАЛОҚ ЖОНҚУЯР, ЮМАЛОҚ ИМЗО

Табиат олами ёқтирмаса ҳам,
Йўлиқар баъзи бир мушкул муаммо.
Инсонлик шарафин доғлатган, яъни
Бир гуруҳ муттаҳам, бир занбар иғво.
Думалоқ жонкуяр, юмалоқ имзо.

Синчалак мақсади ҳар шохни чоғлар,
Зиндалак нафсини ҳар кимга боғлар,
Қўрнамак мушукдек томоғин ёғлар,
Тухматдан ёшларнинг шаънини доғлар,
Думалоқ жонкуяр, юмалоқ имзо.

Бадгумон, бадзабон, бадтарин киши,
Муттаҳам соғни ҳам заҳарлар ниши,
Суллоҳлик қунари, иғводир иши.
Фитначи, писмиқдир, юз эмас меши,
Думалоқ жонкуяр, юмалоқ имзо.

Адреси номаълум, фасоди ошкор,
Номаълум эмас у манхус, бадкирдор,
Умрига иқрору, эркига инкор,
Халқ ундан норизо, ватан ҳам безор,
Думалоқ жонкуяр, юмалоқ имзо.

Суркама бировга юзингни догин,
Шўрлатма кадрлар яшнатган боғин,

Тортгунча кишининг тутиб оёгин,
Бир ургин нафсингга ботинканг жогин.
Думалоқ жонкуяр, юмалоқ имзо.

Варағинг тўлганда, хатинг секинлар,
Варағинг бузилса, уради жинлар.
Мағзава мақсумлар, иши хуржунлар,
Бурчак-бурчаклардан нони текинлар,
Думалоқ жонкуяр, юмалоқ имзо.

Иўқотгин иғвони, қутул нафратдан,
Сен билгил, инсонлик қадри меҳнатдан,
Асрасанг ўзингни бу хил иллатдан,
Улуш ҳам оласан обру, ҳурматдан,
Думалоқ жонкуяр, юмалоқ имзо.

БИР ЛАҒАНБАРДОР МАЙПАРАСТГА ДАККИ

Сенинг саргузаштинг баланд, гоҳи паст,
Кеча сўфи эрдинг, бугун майпараст,
Тинимсиз ичардинг, бўлиб маст-аласт,
Юзинг заъфарону ўзинг дастма-даст,
Шу ўтмишларингга нима ҳам дейсан,
Гапирай дейсану гапиролмайсан.

Қудлоби нафасинг кенг Бухорогача,
Ютардинг наҳангдан аждаҳогача,
Агар Поп ўлмаса Сирдарёгача,
Оқибат етибсан шу савдогача,
Дилнинг йўқ, тилинг йўқ, нима ҳам дейсан-
Гапирай дейсану гапиролмайсан.

Амал авжида иш тараққо-туруқ,
Вале одамиятда сурпанг қуруқ,
Чўзилса, кўпайди неча эл уруг,
Чўзилди, чўзишмас эса йўл-йўриқ,
Бало иблисисан, нима ҳам дейсан,
Гапирай дейсану гапиролмайсан.

Ишга йўқ, улушга жуда чаққонсан,
Бир кун гулкисан, бир кун қолқонсан,
Сув оқар гомонга қараб оққансан,

Мушукдан без тилаб, безга ёққансан,
Бир улуг даргоҳга қўтир эчкидек
Сурканиб қолгансан, нима ҳам дейсан.

Иш берди ишинга бу елимлигинг,
Шайтонни дарсидан ё билибмидинг,
Айбингни яширди «патхалим»лигинг,
Билинмай кетди-ку беилмлигинг,
Ҳар қандай нафратнинг кир либосига
Бурканиб олгансан, нима ҳам дейсан.

Бир касбинг иғвогар, фасод гурмушинг,
Бировлар тинчини бузишдир ишинг,
Утар ғамда ёзинг, аламда қишинг,
Зарардур, зарардур бутун қилмишинг,
Гапир, эй балохўр, нима ҳам дейсан,
Гапирай дейсану гапиролмайсан.

Оиланг, фарзандинг хижолатдалур,
Мабоде олобга еткизса пўтўр
ёзинг беилмлигинг,
Ҳинг ётсанг, дегайлар ўзинга гапир,
Чунки, сен ичовриб, лаънат лойига
Беланиб кетгансан, нима ҳам дейсан,
Гапирай дейсану гапиролмайсан.

1964

ДОҒИНГ КҰРИБ

(Сифатсиз бир шкаф җангомаси)

Орзулаб олган әдм, афсус, чатоқ чиқдинг
шкаф.

Олган айбим сезмагай, деб ё ямоқ чиқдинг
шкаф

Бир эшигинг беркилур бўлса, бири беркилмагай,
Бу аламнинг устига беҳад қулоқ чиқдинг шкаф.

Ойнагинг атрофидан оққан клейдан доғман,
Боққан ишонга ажойиб тумтароқ чиқдинг
шкаф.

Нася мол олганга таъзир бермоғинг эви билан,
Халқ учун андишадин балки йироқ чиқдинг
шкаф.

Кўз очиб ҳолингни тафтиш айламаслик
касри бу,
Нега инсёфу адолатдин йироқ чиқдинг шкаф.

Қайси фабрик моли деса, сенда ҳеч жон
қолмагай,
Таъна заҳрин торта-торта қил томоқ чиқдинг
шкаф.

Гап билан алдов либосин кийдириб сотган кун,
Ҳўнграб ғиғлаб эшикдин бадқовоқ чиқдинг
шкаф.

Бир уриб синдирмаса, дерман, уволинг тутмаса,
Майдалаб ёққан кишига бир қучоқ чиқдинг
шкаф.

Қадду қоматда келишган савлатинг-ку соз эди,
Унда ё нархи баланд, ё унда қоқ чиқдинг
шкаф.

Бунча атворинг сифатсиз нархинг ортқ
десалар,
Сен қўпол сўз бирла унга сердимог чиқдинг,
шкаф.

Халқ ранжиб қаргагандан сир кўчиб рангинг
хунук,
Шошлиб ёки мудирдан бесўроқ чиқдинг шкаф

Кўппа-кўппа кўз оғинг бўлганда эҳвол
Сен гагин ҳам арз этурга кўп нўноқ чиқдинг
шкаф.

Бизга ибрат, ўзгаларга сен сабоқ чиқдинг шкаф,
куймасин,

1965

БИР ШИНГИЛ-БИР ШИНГИЛ

Кишин ҳаётида яхши ҳар ишни ҳар жадали,
Умри чогиди, аммо ёмон ҳазил ҳаяли.

Ўсални топса, у сал фаҳм этар кишилар бор,
У салга ранжиса, кўрким. Ўсалнинг энг ўсали.

Ҳазил деб ўзни баланд, олмагин бировни кам...
Шакарнинг ози шириндир, ҳазилнинг ҳам сағали.

Кибринг заҳри қўшилган ширинни дема ширин,
Дилида масҳара бижғир, тилида балли-бали.

Ҳадрли сўз эса сўйла, ёмон фасонани қўй.
Ғализ ҳикоядан афзал афандининг масали.

Совуқ ҳавони ширин тил ҳарорати истар,
Иссиқ ҳавони совутгай муомала дағали.

Асал шириндиру, лекин даволисин айтай,
Шифоли гулни сўрар арининг майи-асали.

Бу гулга тарбия берган замонамизнинг гули,
Бу гулни ундира олган вафо билан ҳамали.

Бировга ёқа, бировга этак бўлурман деб,
Аёқ тагида урингай кишининг сур-наҳали.

**Топай десанг барака, ҳеч тама тузин тотма,
Қачон бой этди бировни қиморхона чўтали!**

**Тамагир аҳлининг ҳнқилдогин пасайтиргай,
Жигарни парчалаган бангининг қуруқ йўтали.**

**Зираклик ила қадам қўй борар ерингга, бироқ
У ерда бўлса дилинг ранж этар кишин яўғали.**

**Адолат ила ишинг топгуси ривожу камол,
Дилингга юқмаса нафсоният-ҳасад касали.**

**Иигирма ёшли бурунги сўпой йигитларга,
Бугунги олти яшар бола ўргатур ғазали.**

**Бу назм муаллифининг кимлигини сўрангиз,
Лақабда Чархи-ю, номи камина Асқарали.**

1966

УЧРАМАСИН

Әй кўнғил, сақла ўзинг, токи бало учрамасин,
Не бало йўлни тўсар эзманамо учрамасин.

Қўли кўксида мудом, кўнгли тўла фисқу фасод,
Ҳама иғвога шерик юзи қаро учрамасин.

Қоч ёмон соясидан, сояси ҳам қурсин унинг,
Токи гуҳмат тошидан жафо учрамасин.

Киши азориға лаб очма, адаб илмин ўқи,
Хулқу одобинг учун икки баҳо учрамасин.

Бевафолик бирла ҳар кимсага шифо этма қўлинг,
Әгри гўқмоққа яна әгри асо учрамасин.

Кўча хандон бўлиб, уй тўрин тор айламагин,
Хўжа кўрсин адабу хилму ҳаё учрамасин.

Мунча қийнарсан ўзингни чираниб бюрократ,
Дам хафа димлама айвонда вабо учрамасин.

Синчалакдек кўтариб кўкка оёгинг тирама,
Қарчиғай чангалида сенга, қазо учрамасин.

Она сут берди, отанг вояга еткурди сени,
Мен ўзим катта дема, катта жазо учрамасин.

**Унақай кўзу ширин сўзни элингдан аясанг,
Чапақай гарсаки еб, қаҳру изо учрамасин.**

**Олим илмига амал айласа-ю, учраса хўп,
Айтинг-айтингки, амалсиз уламо учрамасин.**

**Чархий жону дили-ла оқил элинг фандин эшит,
Эҳтиёт айла диллинг, кибру ҳаво учрамасин.**

1966 йил, 9 август.

БИР МАЙПАҒАСТГА

Биродарим десаму гапни қўзиб келасиз,
Намунча ҳовлиқасиз, ипни гоҳ узиб келасиз.

Ичишнинг оқибаги шох чиқармагай дерлар.
Отиб чунон шагалоқ, бош билан сузиб келасиз.

Жаранг-жаранг пулингиз кечгача тугаб, ҳайхот!
Ароққа бой берасиз, кунда ютқизиб келасиз.

Йўл узра учраса қўнғиз, қувиб мушук янглиғ,
Инига юзтача сичқонни ўтқизиб келасиз.

Гаровга топширасиз бору йўқни, минг афсус,
Шиминг қани, деса шим нағмасин гузиб келасиз.

Бугун қасамни ичиб сув каби шимирганча,
Бировнинг эргага иғвосини қўзиб келасиз.

Сув урса озгина ҳушёрхона ҳаммоми,
Текин сув учради десб ҳайқириб, юзиб келасиз.

Хотинни бир нимадан камситиб, қувиб ҳар ён,
Дилини ранжитасиз тўзгитиб, тўзиб келасиз.

**Бирор раҳмдил нини олса сизни қўлтиқлаб,
Даканглатиб сурасиз, лойга юргизиб келасиз.**

**Ярим-ярим кечалар шовқину сурон бирлан,
Маҳалла тинчини тоқайгача бузиб келасиз?**

1968

ҚОРГА ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА

Еққанинг бас. Тўхтасанг-чи қор!.. Қор!..
Бўлди сендан ҳамма «миннатдор» қор!..

Утса ҳам март, хислатингдан ўргилай,
Дилни тангу йўлни қилдинг тор, қор!

Тунда ухлаб, кундузи уйғоқ десак,
Мижжа қоқмай, туну кун безор, қор.

Келди кўклам деб қувонсак гул сепиб,
Майса унган боғ билан гулзор қор.

Борми инсофинг, ёғиб қишда бутун,
Ўлни этма бунчалик безор, қор.

Кетди қор деб, аста уйғонган дарахт,
Боз совуқнинг заҳридан бемор, қор.

Кўкдан эллик йилги қўринг ташладинг,
Ўйладингки, сенга биз омбор, қор?

Энди тўхтар, энди ёғмас, ўйласак,
Мунча беорсан, яна гакрор, қор.

Меъдага гегдинг-ку, ҳадингдан ошиб,
Қўй заҳилни, эй совуқ рухсор, қор.

Кеча томларни кураб хурсанд эдик,
Эрталаб турсак, ёғиб тайёр қор.

Чиқса офтоб, йўл бўлур чанг ёки лой,
Эртасига кўчамиз анҳор, қор.

Энди печкани йиғиштирган эдик,
Қайта қурдик! Сен ёғиб беор, қор.

Орқага судралмасдан деҳқончилик,
Қилмагин боғбон ишин душвор, қор!

Келди наврўзи эғнимда гуппи гўн,
Калламиз кўкламда телпакдор, қор.

Печка атрофида Чархий чарх уриб
Ёзи сенга бир қўлоч ашъор қор.

1969



БИР ҚҰПОЛ ВРАЧГА

Афсуски, фалакнинг гардиши-ла,
Бемор юрагимнинг ташвиши-ла,
Келдим шу қўнгилнинг хоҳиши-ла,
Урдинг бу юракка сўз ниши-ла,
Йўқса дилима мадор бўлардинг.

Ўз қадрини билмаган бадахлоқ,
Чақдай кишилар бошида ёнгоқ,
Боқдай киши суратига аҳмоқ,
Суратга тикилма, қалбига боқ,
Йўқ бўлмас эдингу бор бўлардинг.

Аввалги замона ганда эрли,
Бир бандага неча банда эрли.
Сенга бу сўзим писанда эрли.

Инсон сени туғмаганда эрди,
Думлик бақаларга ёр бўлардинг,
Инсоний сифат кишин камоли,
Ҳайвоний муомала заволи,
Йўқ эрди танимни ҳеч мажоли,
Бўлсанг эди хушсухан, ҳаёли,
Бир соҳиби эътибор бўлардинг.

Дардманд киши арзини эшитсанг,
Яхши сўз ила дилин эритсанг,
Лаънат сенга дер кишин безитсанг,
Совуқ нафасингни сал илитсанг,
Қиш бўлмас эдинг, баҳор бўлардинг,

Ҳиммат камарини боғласангди,
Хизматга ўзингни чоғласангди,
Миллати ҳақини бўғласангди,
Уч кунгина сабр айласангди,
Инсонлиги ошкор бўлардинг.

Эркинга ҳавою сув етурди,
Бахт бирла ширин ҳаёт кегурди,
Иқбол юзин очмаганда эрди,
То ўлгунча хор-зор бўлардинг.

Қобил врач эътибори бўлсанг,
Ахлоқу одобни ёри бўлсанг,
Бемор дилини мадори бўлсанг,
Чархий каби эл қатори бўлсанг,
Бир камтару хушвиқор бўлардинг.

1970

ДУСТЛАРНИ ҚУТА-ҚУТА

Кутиб сизларни уйда қоврулиб гўшт ёғлар қолди.
Такаллуфлар ҳувиллаб сурпада ўқлоғлар қолди.

Хабар бир кимсадин етса, етарди бошим осмонга,
Пешайвон солганимча ҳангу-манг пештоқлар қолди.

Езилганча шикоят айлабон сизларни дастурхон,
Оғиз очганча писта, гулдираб ёнғоқлар қолди.

Беш-олти қатлама дарди билан бозор кезиб олган
Ажойиб дўлта чиқмас бир чинни қаймоғлар қолди.

Нишони оқибат эрди азизларнинг зиёрати,
Муқимий бирла Завқий, Нисбатий муштоқлар қолди.

Бизингдек «оқибатли» дўстлар шаънига деб ёзган,
Навоий, Жомийлар меросидан авроқлар қолди.

Биров ҳарна маломат этса, парвойи палакдурмен,
Ким айди у бурунги чин ўриш, арқоғлар қолди.

Биров сувчига мунча ўрта ер кўлоб, деб айтмас,
Неча йилларки сувга ташналаб қирғоқлар қолди.

Қоқилгандан рақиблар пўстагин бозори жундамроқ,
Сидирға нархи тушган пўстини ярғоқлар қолди.

Кўнгул бу мунтазирлик бирла бад қилдинг, хато қилдинг,
Ажабким, сен бўйин чўзган ўшал янтоғлар қолди.

Муқимий декчасида меҳр ила ош дамлайин десам,
Қозондан ёғ сачраб кўксим узра доғлар қолди.

Узоқдан таъна этманг, Чархий, мажнунона ваъзнинг деб,
Ародан кетди неча дўст биз ўртоғлар қолди.

1970

АЙЛАНСИН

(Баъзи якка буюртма корхоналар аҳволидан)

Шу артель «Индпошив»дан тўрт оғиз ашъор айлансин,
Асалдек ваъдасидан минг шакар гуфтор айлансин,
Бир айланмоққа рози бўлмаса, юз бор айлансин,
«Соқолу мўйлови»дан сартарош ночор айлансин,
Қаю шод ўргилур денг, қайси миннатдор айлансин.

Буюртма деган-ку, ноилож костюм буюртдим,
Неча байрамлар ўтди, олгани ўн ойда улгурдим.
Ямоқ енгим менга, мен енгга боқтим—тоза ўлтирдим,
Бориб тиккан кишидан воқеа аҳволини сўрдим,
Деди, етмай ўзи, тикдим шу хилда тор, айлансин.

Бичимчи ўртоғим, ҳар бир ҳунар, ҳар ишта моҳир у,
Мулойим, сўзга уста, доғули — содда мугомбир у,
Аёндир кирдикори, макр ила найрангда қилвир у,
Илтирмоққа доим элни ҳар боб ичра қодир у.
Қўйинг, бундай кишидан номусу на ор айлансин.

Заказга бир кийимни берсангиз, бир йилни чоғ айланг,
Атай қиммат матодан келтиринг, ҳимматни тоғ айланг,
Чиқибди янги мода, енг учун бошлаб қуроғ айланг,
Ишонмас бўлсангиз, бир бошқа одамдан сўроғ айланг,
У шим битгунча бўлмай, бу шимим афтор айлансин.

Кўнгил ранжийди тоқай, одам алдар «ошно»лардан,
Мудом тўқсонни юздан урган, элчил қўл, билолардан,

Буюртирсанг мабодо бир кийим қиммат баҳолардан,
Этак кенг, енг узун, бел тору сўлжайган ёқолардан,
Сомончи қопи бирлан тўптепар шалвор айлансин.

Ёмон ҳар ишда инсон роҳатин албатта бузар қасддан,
Биродар, яхши хулқу яхши одат кутма ноқасдан,
Мудом таъби баланд бўл, қоч унингдек ҳиммати пастдан,
Чиройли, яхши бичган бўз либос беўхшов атласдан,
Қўполдўз усталардан яхши мардикор айлансин.

Бузиб танда мижозин нафси бод доим касаллангай,
Ота меҳрига монанд бўлмаса фарзанд дағаллангай,
Назорат бўлмаса ҳар ишда, билгин, иш чигаллангай,
Қишилар интизоми, меҳнати, хулқи-ла танлангай,
Чиройли бетамиздан марди беозор айлансин.

Қўриб жойларлаги иш ҳолини, тафтиш мудом бўлса,
Биринчи ишда ўн йил ишроми ҳам бўлса,
Жамоат аҳли ҳаргиз ранжимай, ишлар равон бўлса,
Бигар ишга чечак чиқмай туриб, бир имтиҳон бўлса,
Шу ҳандон тоҳирук бирлан паис бир бор айлансин.

МЕНИКИ — СЕНИКИ

— (Тракторчиларга тракторлар тилидан)

Тракторист, менга хизмат, бари ҳаён сеники,
Шу ернинг бағри хазина, тамоми қон сеники.
Пулат отингман, изимдан агар чиқиб юрсанг,
Хижолатинг меники, юз шувит ҳамон сеники.
Миниб чиқиб далага, ҳайда яхшилаб ерни,
Бу ҳурматинг меники, лекин ошу нон сеники.
Азиз тутиб мени ишлат, ўзингни жонингдек,
Губору чанг меники, майли, тоза жон сеники.
Агарда ишлатиб ўлгунча, ташласанг артмай,
Бугун шу ер меники, эртага зиён сеники.
Муҳаббатинг-ла қараб, парваришни соз этсанг,
Бу парвариш меники, иззат ила шон сеники.
Мусобақа сафида олға ташлагин қадаминг,
Баланд давон меники, кузда имтиҳон сеники.
Алифдек айла, эгат бўлмасин қинғир-қийшиқ,
Рулим қўлингда, не қилсанг, борим ҳар он сеники.
Менинг-чун осма қозон, ош тилармидим сендан,
Ичимда ёғ меники, қайнаган қозон сеники.
Жойимни тайин этиб, жон ука, ишингга буюр;
Яланг жойинг меники, бўлмасин равон сеники.
Бу йилги ҳосил учун ишла майлий астойдил,
Тамоми, иш меники, ҳурмати замон сеники.

1974

ҒАРАЗ-МАРАЗ

Дунёда энг зарарли илондур ғараз-мараз,
Инсон вабоси кўҳна қазондур ғараз-мараз.

Минг гепки еб, сира ўзига келмаган кпшин,
Бўзгигача фасод ила кондир ғараз-мараз.

Бошин қашиб, бир озгина ҳасратин бошлағай.
Суз боши-ю оёғи тикандур ғараз-мараз.

Ўнгилашин биров деди ванг пашша сингари,
Анча чирим, кўхларин эссондур ғараз-мараз.

Ё катта бир довонки, илашмоққа жон керак,
Иргиб чиқарга анча осондур ғараз-мараз.

Юз марта сув урилса, қасам ургани шумиш,
Йўқ-йўқ, бурунги эски пиёндур ғараз-мараз.

Ракдек гомирга ўрнагани-ўрнаган кўринг,
Доим ўлик, гириги товондур ғараз-мараз.

Ғажжак қилиб думин туриши, таъзими эмиш,
Тўққиз бўғиили худди чаёндир ғараз-мараз.

Сичқон каби ялаб тузингиз, дардни юқтирар,
Бу кўрнамакни сири ниҳондир, ғараз мараз.

Кўп бегуноҳни макри тузоққа илинтириб,
Жуфтак отиб қочишда қуёндир ғараз-мараз.

Уқ еб тўқайда, очу наҳор топмайин тегин,
Гангиб келар хатарли қобондур ғараз-мараз.

Мўлтони жодугар у ғаразғўй ватангадо,
Бўҳтончи, шармисор, фалондур ғараз-мараз.

Шундай ғаразли ёт кишилардан денг алҳазар,
Лойга илаштирурға сомондур ғараз-мараз.

1974

УПКАНГНИ БОС!

Ешлик агар-чи пок ғурур,
Жўш урса дарёдек тошар.
Аммо одобдан тортса бош,
Ҳурмат кетиб нафрат ошар.
Ешликдан, ўғлим, илтимос,
Ўпкангни бос, ўпкангни бос!

Лиққа ютибсан юз грамм,
Ким учраса бўлма кана,
Қирчанги аттор отидек,
Тишлаб туриб тепма яна!
Шармандаликка шу асос,
Ўпкангни бос, ўпкангни бос!

Ҳурмат, саломинг қўймагин,
Хоҳ таниш, хоҳ бетаниш,
Бордону бўйра бўлгуси,
Бош чекса саҳрода қамиш.
Шу маънидан айлаб қиёс,
Ўпкангни бос, ўпкангни бос.

Бемаъни ошиқликни қўй.
Ҳар бир ҳаваснинг жойи бор.
Улфат ёмон, кулфат ёмон,
Елгоннинг охир войи бор...
Боғ сайри, пишганда гилос,
Ўпкангни бос, ўпкангни бос!

Бефарқ эмасман деб тараб,
Фарқ очса сочдан, зеб эмас,
Доим ипакдек эшилиб,
Юрмак йигитга эп эмас,
Тор поча-ю, гулдор либос,
Ўпкангни бос, ўпкангни бос!

Хом ваъда пуч ёнғоқ каби,
Бўл магзи тўлган писталек,
Мардман десанг, чин ваъдани —
Чўзма темирчи устадек.
Ўз феълинг ўзингга қасос,
Ўпкангни бос, ўпкангни бос!..

Ишдан келиб уйни супур,
Кеккайсанг энкаймоқ осон,
«Хотин, пишир-куйдир» билан;
Токай уй ичра сен товон?
Кибрингни маҳкам шипга ос,
Ўпкангни бос, ўпкангни бос!

Оддий кийинган кимса деб,
Боқма пичингомуз сира.
Сендан улугроқ балки у,
Бўлма хижолатдан хира.
Устингда гар кимхобу тос,
Ўпкангни бос, ўпкангни бос.

Бу билганим, айтганларим,
Фарзандим, аввал сенга хос,
Этсанг бу пандимга амал,
Мен ҳам бу жаврашдан халос,
Сен ҳам бир инсон ўғлисан,
Ўпкангни бос, ўпкангни бос!..

МУНДАРИЖА

Кириш	5
Демасин	11
Оқжар хотираси	14
Керак	15
Хуржун	17
Чархий ва Хандий мушонараси	18
Сигирим	23
Кўрпам менинг	25
Упка	26
Устиша	29
Муомалани ювош қил	31
Шекилли	32
Бўзак чиқди	35
Бенингингла ётмайман	38
Бир отининг аризаси	40
Эзма ҳақида	41
Ҳаммом	43
Саёҳатнома	45
1. Алмишнинг мақоти	45
2. Уша қишлоқлар: бу кун	46
Баъзи сартарошхоналарга қарата	50
Кучанинг шикояти	52
Отлар мажлиси	54
Дарахтлар шикояти	57
Келдим	59
Кам бўлмади	62
Баъзи ҳовлиқма шоирларга	63
Идорадаман	65
Гуппанг	67
Қинғирлик ёмон	69
Алихўжа—Хўжаали	70
Кўнглим бир қаранг деди	73
Кетди	75

Экиш компаниясига багишланган у-бу баҳона	77
Бугунги Ҳапалак	79
Ҳасратда доғман	81
Чўзилди	83
Қолдиму	85
Чандирман	88
Кам бўлманг	90
Қўқон лойи	92
Чойхўрлар шикояти	93
Шармандалар қилдинг	95
Бу дамнингдан тушарсан	97
Мапазарнинг саргузашти	99
Бад қилдим, хато қилдим	101
Келур	104
Нетай	106
Учратдим	108
Илтимос	110
Ётиб олдим	111
Бир кўприк нид си	112
„Муштум“га салом	113
Оғиз куйдирар	115
Думалоқ жонқуяр, юмалоқ имзо	117
Бир лаганбардор майпарастга дакки	119
Доғнинг кўриб	121
Бир шингил-бир шингил	123
Учрамасин	125
Бир майпарастга	127
Қорга ҳазил-мугойиба	129
Бир кўпол врачга	131
Дўстларни кута-кута	133
Айлансин	135
Меники-сеники	137
Ғараз-мараз	138
Ўпкангни бос	140

НЕ ЛЯГУ В БЕШИК

Юмористические стихи

Редактор О. Матжон
Рассом С. Субхонов
Расмлар редактори Н. Холиқов
Техн. редактор Н. Жураева
Корректор Р. Содиқбекова

Босмахонага берилди 26/II-75 й. Босишга рухсат этилди 19/IX-75 й.
Формати 70×108^{1/2}. Босма л. 4,5 Шартли босма л. 6,3 Нашр л. 4,15
Тиражи 35000. Р 09802. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 234—74.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия
ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Морозов номи
босмахонасида № 1 қозоғга босилди. Самарқанд шаҳри, Кузнец-
кая кўчаси, 82. 1975 йил. Заказ № 2080. Баҳоси 42 т.